БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

1990 йил 31 январь Чоршанба
№ 22 (13. 458). Баҳоси 3 тийин.

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган • ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Махсус сон № 1 (12)

ПРОЛЕТАРИИ ВСЕХ СТРАН, СОЕДИНЯЙТЕСЬ!
КОМСОМОЛЬСКАЯ ПРАВДА
ОСНОВАНА В МАЕ 1925 г. ОРГАН ЦК ВЛКСМ ЦЕНА 3 КОП.

№ 1 (12) спец • выпуск

Сайлов арафасида

Рақиблар эмас, сафдошлар

Ҳайдовчи ва журналист, педагог ва уч шифокор — Ўзбекистон ССР, Сирдарё вилоят ва Жиззах шаҳар Советлари халқ депутатлигига номзодлар сайлов кампанияси айни авжига чиққан кезда ўз куч-ғайратларини бирлаштирдилар.

— Биз ўзимизнинг сайловолди ҳаракат дастурларимизни таққослаб кўрганимиздан кейинроқ биргаликда ишлашга аҳд қилдик, — деди Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод Э. Жўрабоев. — Чунки якка-якка ҳаракат қиладиган бўлсак, регионнинг жиддий-иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини ҳал этишимиз мушкул бўлади. Шунинг учун ҳам территориядаги ягона депутатлик группасидек ишлашга қарор бердик.

— Бу группанинг ҳамма аъзолари ҳам депутат мандатларини олишмаса нима бўлади? — деб сўрадик.

— Биз буни ҳам назарда тутганмиз, — дейди вилоят Совети депутатлигига номзод Ш. Тўраев. Ютқизиб қўйган одамлар ўрнини муносиброқ мухолифлар эгаллайди, аммо ўша принцип қолаверади, яъни турли даражалардаги депутатларнинг куч-ғайратларини бирлаштириб бораверамиз. Бизнинг рақибларимиз бўлган депутатликка номзодлардан Х. Алимова ва Ш. Салоҳиддинов, Э. Миразимов ва С. Ражабов бу ташаббусни фаол қўллаб-қувватламоқдалар ва территориядаги группанинг ишида иштирок этишга тайёрдирлар.

Л. ЕЛИЗАРОВ,
ЎзТАГ мухбири.



Ҳошимжон Солиев Наманган вилоятининг Наманган ноҳиясидаги Ал-Хоразмий номли 25-ўрта мактабда ўқувчиларга математика фанидан сабоқ беради. Қачон қараманг, шошиб юрганини кўрасиз. Кейин билсак, «Коммунизм» колхозидаги мактаб ўқувчилари ишлаб чиқариш бригадасида ҳам етакчилик қилар экан.

— Ўтган йилги натижалар чакки бўлмади, — дейди у қувониб. — Ўқувчиларим билан мавжуд 44 гектар майдонда деҳқончилик қилиб яхши кўрсаткичларга эришдик. Бригадамизнинг ҳар бир аъзоси ўртача 300 сўмдан ҳақ олишди.

Ҳошимжон яқинда ноҳия Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилган.

СУРАТДА: Ҳ. Солиев.

Сураткаш А. МИРЗАЖОН.



Матбуотимиз саҳифаларида байналмилалчилик мавзусида «далиллар» билан исботланган мақолалар одат тусига кириб, эълон қилина бошлаганига қанча бўлди ўзи? Эсимда, кимдир ҳатто «байналмилал» сўзини, ҳеч бўлмаса «афғонистонлик жангчиларга» нисбатан ишлатишни тақиқлаб қўйишни таклиф этганди. Умуман, дея фикр юритишарди муаллифлар, ёшларнинг «байналмилал руҳда тарбиялаш» сўзи билан бошини қотирмайдиган ва уни унутиб юборадиган вақт келди.

ОСОЙИШТАЛИКНИНГ ТИКЛАНИШИ



Бокуда ўтказган охирги ўн кун бизни муқобилликка ишонтирмоқда: чуқур ўйланган, аниқ бир мақсад кўзланган байналмилал руҳдаги тарбия бўлмаса кўп миллатли давлатимизда яшаш мумкин эмас.

...1990 йил 20 январь. Шу куни 26 Боку комиссари номли районнинг комендатураси район партия комитети биносида жойлашди. Залга ўнлаб одамлар йиғилган. Уларни бу ерга армия олдидаги қўрқув эмас, балки бошқача қўрқув етаклаб келган. Ана шу кишилар ваҳимага тушишлари учун бевосита ёки билвосита туртки берганлар шаънига кўп таъналар айтилмоқда. Бу ерга келиб қолган ўрта ёшлардаги рус аёли кўзларида қалқиган ёш билан халтачасидан сарғайиб кетган картон қоғозини — 1941 йил эвакуация карточкасини олди. Бир оз ўтгач, у ўқитувчи эканлиги маълум бўлди.

— Биз бу ерга қамал қилинган Ленинграддан келган эдик. Ўшанда бизга қандай ачинишган, қандай кутиб олишгани эсимда. Биз ўзимизни худди туғилган уйимиздагидек ҳис қилгандик. Ҳозир рўй бераётган воқеаларда халқ айбдор эмас!

Бугун ушбу участка коменданти полковник И. Рубцовдан ана шу аёлнинг тақдири ҳақида сўрадик. У уйига қайтиб кетганини, соғ-омон эканлигини, ҳеч қаерга кўчиб кетиш ниятида эмаслигини айтди.

Эҳтимол, ана шу нозик аёл шу кунга қадар ўша оғир йилларда бошидан кечирган воқеаларни эслагандир, бугунги кун ҳодисаларидан ташвишга тушгандир. Лекин кекса муаллима ярим асрдан бери қувончларини ҳам, ташвишларини ҳам бўлашиб келаётган кишиларнинг байналмилалчилигига чуқур ишонганлиги саросимани енгишга ёрдам берган бўлиши керак.

Бокудаги кўп кишилар шаҳарда фавқулодда ҳолат эълон қилиш зарурати нимадан келиб чиққанлигини шу пайтгача тушунмаганликлари сир эмас. Ҳозир бокуликларнинг кўпчилиги оммавий ур-йиқитлар бошланиши биланоқ, армия киритилиши керак эди, деган фикрни айтмоқдалар... Лекин бир нарсани сўрамоқчимиз: оммавий ур-йиқит бошланган кечадан сўнг шаҳарда фавқулодда ҳолат тартибини таъминлаш тўғрисида буйруқ олган ҳарбий қисмлар ва бўлинмалар ҳаракатини тўхтатишни истаган кишилар бир неча кун ичида қуролланмадиларми? Бу ишга ҳозирлик кўрган мерганларнинг ўқларидан ҳарбий хизматчилар ҳалок бўлмадими, ахир?

Озарбайжон халқи номидан, мамлакатимиз халқи номидан сайланган депутатлар иштирокида ўтказилажак жиддий текширувлар рўй берган ҳодисаларнинг аниқ манзарасини кўз олдимизга келтиришга ёрдам беришига ишонамиз ва бунга ишониш керак!

Қанчалар фожиали бўлмасин, ҳозир гап энг аввало бу ҳақда кетаётгани йўқ: шаҳар яшаши ва ишлаши, етказилган зарарнинг ўрнини тўлдириши керак. Бу зарар эса жуда катта, деб таъкидлади Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Н. Муталибов ўзининг республика телевидениеси орқали ташвиш билан сўзлаган нутқида. Республика олдида кўндаланг бўлган қийинчиликларни унинг кўп миллатли аҳолисининг аҳиллик билан сарфлайдиган куч-ғайратларисиз бартараф этиб бўлмаслиги мутлақо равшандир. Акс ҳолда ана шу қийинчиликлар янада илдиз отиб кетади.

Бугун комендатура жойлашган район партия комитети биносида қўшинлардан вақтинча паноҳ излаган бирор қочоқ, бирорта киши йўқ.

Комендант сўнгги кунларда уй-жой, коммунал хизмати масалалари билан тобора кўпроқ шуғулланишга тўғри келаётганлигини айтди. Бокуликлар учун телефон алоқаси умуман ёмон аҳволда эканлиги янгилик эмас. Одамлар шу муносабат билан ҳам комендатурага мурожаат қилганлар. Уйларни ободонлаштириш, ахлатларни ташиб кетишда ёрдам беришни сўрайдилар, пенсионерлар нафақа олиш билан боғлиқ муаммолар ҳақида ёзадилар, чунки жамғарма банклари ҳали ҳам ёпиқлигича турибди, озиқ-овқат етказиб бериш масаласида кўмаклашишни илтимос қиладилар. Айтганча, комендант фармойиши билан автомобилчи жангчилар уларга озиқ-овқат етказиб беришда амалий ёрдам кўрсатишмоқда.

Йўқ, биз кундалик ҳаётимиздан «байналмилалчи» тушунчасини улоқтириб юборолмаймиз. Ҳаётнинг ўзи бунга қарши чиқмоқда...

П. СИНЮКОВ,
В. ФОМИН,
(ТАСС мухбирлари).



МИЛЛИОНЕРЛАРГА СОВҒАМИ?

Кеча СССР Нозирлар Кенгаши қимматбаҳо металлдан қўшиб ясалган заргарлик молларининг сотиш ва харид қилиш нархларини ошириш ҳақидаги қарорни эълон қилди. Биз бу янгиликни оқшомда шарҳлашга улгурмагандик. Шу сабабли бу ишни эрталабданоқ редакцияга қўнғироқ қилаётган муштарийлар муваффақият билан адо этишаяпти. Уларнинг саволи битта, бунинг устига ўринли: «Яна қанча шу каби қарорлар НООШКОРА қабул қилинади?»

Тан олмасдан илож йўқ. Чунки юз марталаб шундай бўлган, биз журналистлар «Нарх ошиши ҳақидаги навбатдаги миш-миш»ни текшираётиб «молия органларига» қўнғироқ қилганмиз. Улар бўлса бизга: «Нималар деяпсиз, қанақа нарх ошиши?», деб жавоб беришган. Бир неча кун ўтгач, халқ сезган иш содир бўлади. Нархни оширишади! Гоҳ атир-упанинг, гоҳ «қатор товарлар»нинг, гоҳи яна бошқа нарсаларнинг нархини.

Шахсан мен бу ерда уч муаммони кўраяпман.

Биринчиси: биз нарх ошиши ҳақидаги навбатдаги «миш-миш»ни қандай қилиб «инкор» этамиз?

Иккинчиси: бундан буён бирорта нарх ошиши «халқ билан маслаҳатсиз» амалга оширилмайди, сингари ишонтиришларга қандай муносабатда бўлиш керак? Олтин ҳақидаги масала бу ерда сўнггиси эмас. Уни олиш учун навбатда туришларни, сўмнинг мавқеи бир маромда эмаслигини ва одамларнинг ҳеч бўлмаганда тақинчоқ шаклида бўлсада бирор қатъий «валюта»га эга бўлишга интилишини эслаш кифоя. (Айтмоқчи, мен бир неча заргарлик моллари дўконларига қўнғироқ қилдим — у ерда ҳам нарх ошишини матбуотдаги хабардан билишибди. Илгари эмас.)

Ва учинчидан: биз нарх ошишидан тушган пуллар ижтимоий дастурларни амалга оширишга сарфланишига заррача шубҳа қилмаймиз. Аммо «Комсомолка»нинг якшанба сонида иқтисод фанлари доктори Г. И. Корягина яширин иқтисодиётда бугунги кунда 30 миллиондан кам бўлмаган одам бандлигини, яширин миллионерлар 15—20 минг кишилигини ва улар ўз пулларини олтинда, ҳаракатсиз сақлашини маълум қилди. «Металлар металли» ҳисобланган ўша олтиннинг нархини 50 фоиз ошириш билан биз бу миллионерларнинг сармоясини ҳам орттирмадикмиканмиз?

А. ДЯТЛОВ.

ДИАЛОГ

Саволлар беринг!

Американа орзуми?

Локшинлар оиласи бизнинг «фаровон» ҳаётимизга кўника олмай яқинда Америкага қайтиб кетишибди, деб эшитдим. Шу ростми?

Д. МОРОЗОВА,
Тошкент.

«Диалог» почтасида жаноби Локшинни топиб, унга саволлар бериш ҳақида сўралган хатлар жуда кўп. Муштарийларнинг открикаларини қўлига олган «Диалог» мухбири Арнольд Локшин ишлайдиган Бутуниттифоқ онкология илмий-текшириш марказига борди.

— Сизнинг оилангиз ҳам шакар олишда толондан фойдаланадими?

— Ҳа, албатта, барча москваликларга ўхшаб.

— Биз сизнинг ўз мутахассислигингиз бўйича иш топганингизни тушундик — сиз лабораторияни бошқармоқдасиз. Хотинингиз-чи?

— Ҳақиқатан ҳам Америкадалик пайтимдаги бошлаган тадқиқотимни мен давом эттиришга муваффақ бўлдим. Хотинимнинг эса иши юришмади инглиз тилини била туриб, саводхон бўлган ҳолда ўз билимини амалда қўллашга имкон тополмаётир.

— Сизнинг фарзандларингиз қаерда ўқишади? Совет мактабларидаги дарс бериш даражасидан сиз қониқасизми?

— Фарзандларим оддий ўрта мактабда ўқишади. Кичиги бемалол русчани тушунади, каттаси ҳам яхши гапиради. Ўқишда қийинчилик йўқ. Дарс бериш даражасини етарли деб ҳисоблайман.

— Улар комсомолга киришни хоҳлашмаяптими?

— Сизлардаги барча мактабларда комсомол ташкилоти борми? Йўқ, улар ҳозирча аъзо бўлишмади. Мен қарши эмасман, лекин бунинг қандай бўлишини ҳеч тасаввур қила олмайман — ахир улар да Америка фуқароси-ку.

— Озиқ-овқат ва кийим-кечакларни сиз қаердан сотиб оласиз?

— Ҳамма шаҳарликлар каби, иш жойига буюртма бўйича озиқ-овқатларни келтириб сотилганидан фойдаланаман ва албатта, магазинлардан оламан.

— Оилангиз қандай даврий нашрларга обуна бўлган?

— «Советская Россия», «Комсомольская правда», «Правда»га. Лекин ўқишга вақт етмайди. Мени ҳозир Совет матбуотида «империализм» сўзи аста-секин йўқолиб бораётгани ва Ғарб турмуш-тарзи безаб кўрсатилаётгани ташвишга солмоқда.

— Маъзур тутасиз, муштарийларни сизнинг маошингиз қанчалиги қизиқтиради.

— Ҳа, Америкада бу савол кулгили бўлиб ҳисобланади. Лекин бу билан кўпчилик қизиқар экан, жавоб бераман — 500 сўм...

Махсус кийим дикторлар учунми?

Биз ноёб нарсаларни навбат кутиб ҳам ололмаймиз. Марказий телевидениенинг дикторларига қаранг: қандай свитерлар, қандай блузкалар! Балки улар кийим-кечакларни танишбилиш қилиб олишар!

Н. ГУРОВА,
Кострома.

— У кунлар аллақачон ўтиб кетган, — деб бизни ишонтирди телемарказнинг дикторлар бўлими катта инспектори А. Музика. — Илгарилари бизнинг дикторларимиз БУМнинг махсус бўлимидан кийим олардилар. Энди уларнинг кийим-кечаклари билан тикув цехи шуғулланади. Ҳар бир дикторга йилига 200 сўм ажратилади ва бу пулларга улар экранда бежирим кўриниш учун кийинадилар.

— МТнинг хушрўй дикторларининг эгниларидаги чет эл жемперлари ва кўйлаклари ҳақида нима дейиш мумкин?

— Бундай ноёблар учун бизнинг дикторларимиз ҳам худди бошқалардек навбатда турадилар.

Депутатлар учун бункерми?

Халқ депутатлари қўриқланишадими? Айтишларича, ҳаттоки сайловчилар ўз наказлари билан депутатлар жойлашган жойга боришa олмас экан.

С. БОНДИРЕВ.

Бу саволга жавоб олиш мақсадида мухбиримиз кўпгина депутатлар яшаб турган «Москва» меҳмонхонасида бўлди. Меҳмонхонага киришда унга кулиб турган эшик оғасидан бошқа ҳеч ким учрамаган. У мулойимлик билан кимга учрашиш кераклигини тушунтириб берган. Оддий граждан кийимидаги одамлар ҳам мулойимлик билан Олий Совет вакилининг қаердалигини, бир йўла депутатларни ҳеч ким қўриқламаётганини айтишган. Ўз депутатингизга учрашмоқчи бўлсангиз яхшиси меҳмонхона маъмуриятидан унинг телефонини олиб учрашиш тўғрисида келишиб олиш кераклигини маслаҳат беришган.

Газета судга берилдими?

Ўтган йили оммавий ахборот воситалари жуда ҳам «довюрак» бўлиб кетишди. Менинг қўшним бир марта ҳатто «Аргументы и факты»ни судга ҳам бермоқчи бўлди. Худога шукурки, уни бундай қилмасликка зўрга кўндирдик. 1989 йилда марказий нашрларга қарши неча марта даъво қўзғатилди.

В. СЛОБДИН.
Москва.

Свердловск район халқ судидан бизга қуйидаги ахборотни беришди, 1989 йилда оммавий ахборот воситаларига, шунингдек газета ва журналларга қарши 105 та граждандлик даъвоси қўзғалган.

Уларнинг 32 таси 1988 йилдан қолган. Ўтган йил мобайнида 66 та иш кўриб чиқилган, 45 та қарор чиқарилган, 31 та даъво қаноатлантирилган.

Ўз мухбиримиз устуни

АДОЛАТ

Мирзааҳмад АЛИМОВ, «Комсомольская правда»нинг Ўзбекистон бўйича ўз мухбири.

Нимаям деймиз: ҳар куни «Комсомолка»ни ташвишли ва ҳаяжон билан қўлга оламан. Ҳамкасбларим мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан хабар қилишади: қаердадир фавқулодда ҳолат жорий қилинган, қаердадир қаҳратоннинг аёзли совуғи натижасида иситиш тармоқлари издан чиқиб, мактаблар, касалхоналар, турар жойларда одамлар совқотишмоқда, қаердадир тайёра ҳалокатга юз тутган...

Ҳақиқат учун айтиш лозим, қайта қуриш жабҳасида ёқимли хушхабарлар ҳам йўқмас. Барибир, бизда аҳвол чидагудек яхши эмас-да.

Мисол келтирамиз. Хоразм вилояти Боғот ноҳиясидаги «Коммуна» жамоа хўжалигида 1300 оила томорқасига қўшимча ер олди. Энди деҳқонда томорқа хўжалиги 15 ўрнига 25 сотихга чиқди. Бу хайрли иш жумҳуриятда пахта яккаҳокимлигига қарши қўйилган дастлабки қадам туфайли амалга ошди. Хайрият, Ўзбекистонда деҳқонга қоғозда эмас, амалда ёрдам беришга киришилди.

Қўшимча томорқа масаласи бу ишнинг бир қисми. Қисқа фурсатларда барча жойларда замонавий типдаги консерва заводлари, сабзавот сақланадиган омборлар, меваларни қайта ишлаш корхоналари қуриш, ишга тушириш лозим бўлади. Минг азоб билан етиштирилган ҳосил нест-нобуд бўлиб кетиши инсофдан эмас.

Яқинда «Ёш ленинчи»да ўқиб қолдим, Наманган вилоят комсомол ташкилоти Киев ҳарбий округига бир гуруҳ йигит-қизларни жўнатибди. Ўзбек-аскар йигитларга яқинларининг туҳфалари, ўз она тилида китоблар, миллий мусиқа асбоблари топширишган. Яхши, наманганликлар Ватан олдида ўз бурчини ўтаётган юртдошларини эслашибди. Хўш, бошқа вилоят комсомол фаоллари ўз юртдошларини қачон эсга оладилар?

Йўқ, мен Ўзбекистонда қайта қуриш жуда силлиқ кетаяпти, демоқчи эмасман. Хоразм вилоятида айрим калтабин раҳбарлар байналмилалчи жангчини депутатликдан номзодини олиб ташлашга «рози» қилишганини айтиб беришди. Худди шу ердан жумҳуриятда катта тармоққа масъул бўлган «каттакон» депутат бўлиб сайланиши керак экан. Бу адолатданми?

Тўғри, Ф. Ортиқов номзодини олиб ташламаслиги, Ўзбекистон халқ депутати мандати учун министр билан бўлса-да беллашиши керак эди. Шунда Адолатнинг саховатли номи булғанмасди. Афсус, комсомол курашга журъат қилолмади, ўз ҳуқуқини ҳимоя қилолмади.

Яна бир мисол. «Махсус сон»нинг ўтган йил 30 сентябрь сонида «Унутилган қишлоқ» сарлавҳали мақола эълон қилинганди. Унда Сурхондарё вилояти Олтинсой ноҳиясидаги Чинор қишлоғидаги муаллим Холмўмин Нормаматовнинг ачинарли ҳоли баён қилинган. Қишлоқ йўллари яроқсиз, клуб йўқ, амбулатория, ҳаммом йўқ, дўкон... Мақолани ёзган шикоятга унинг 76 нафар ҳамқишлоғи имзо қўйган. Нима бўлди дерсиз? Газетанинг 1989 йил 30 сентябрь сонини қишлоқда ҳеч ким кўрмаган, ўқимаган. Қайсидир амалдорнинг кўрсатмаси билан газета алоқа бўлимига келтирилмаган.

Майли, танқид чиққан газетани кишилардан яширишди, лекин Адолат билан қандай ҳисоб-китоб қилишаркан?

Биз журналистлар Чинор ва шунга ўхшаш жумҳуриятимизнинг турли бурчакларидаги ташландиқ, чор-ночор қишлоқларда ҳаёт кечираётган, деймиз. Қишлоқ заҳматкашлари ҳеч чиқолмаган, чўпон ва боғбон, механизатор ва мироб — тўқ ва бахтли яшамоқлари керак. Шунинг учун мамлакатимизда қайта қуриш жараёни кетаяпти, Коммунистик партия шунинг учун курашмоқда.

Бир неча кун муқаддам Ўзбекистон Компартияси Марказқўми қабулхонасида бир оқсоқолни учратиб қолдим. Унинг юзи мунгли, қайғули, ишончи сўнган. Неча марта ноҳия раҳбарларига, вилоят раҳбарларига мурожаат қилдим, дейди у. Лекин, ёрдам берадиган одамнинг ўзи йўқ. Мана пойтахтга АДОЛАТ ахтариб келдим...

Унинг талабини ўша жойнинг ўзида ҳал қилиш мумкин эди. Билади...

Бу киши ҳақида шунинг учун эслатдимки, аввало шундай Адолат излаб юрганлар кўп. Улар бир кун сабр косаси тўлиб, АДОЛАТ излаб майдонга чиқишганида унинг асосини танишади...

Шуни унутиш керакми?

Мухбирлик маконимизнинг эслатмаси: Тошкент, 700000, ГСП, «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй. тел: 33-49-05.

Сизнинг фикрингиз

ШУНДАЙ ПАРТИЯ БОРМИ?

МОСКВАДА ПАРТКЛУБ ВА ПАРТТАШКИЛОТЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ БУЛИБ, УНДА «КПССНИНГ ДЕМОКРАТИК ҲАРАКАТ ДАСТУРИ» ТУЗИЛДИ. БУ НИМА?

Гуруҳчилик? Партия рақобатчиси? Балки, КПСС-ни бўлиб юборишдир? Мухбиримиз Москва Олий партия мактаби ректори, «Демократик ҳаракат дастури» мувофиқлаштирувчи кенгаши аъзоси В. Н. ШОСТАКОВСКИЙ билан суҳбатлашди.

— Вячеслав Николаевич, партклубларнинг Бутуниттифоқ конференциясини чақиришга нималар сабаб бўлганди?

— Сабабми? Партиянинг ўзида янгиланишнинг қониқарсиз боришидан партия аъзоларининг сезиларли қисмида рўй берган норозилик ҳолати. Фақат коммунистлар орасида эмас, партиясизлар ўртасида ҳам норозилик кучаймоқда. КПССни янгилашда сусткашлик, чалкашлик, оғишлар қарама-қарши ҳолатларга, яъни қайта қуришни тўхтатишгандир — бу жараённи бутунлай хавф остида қолдиришга олиб келди.

Назаримда, ҳеч ким бу анжуманга 102 шаҳар вакиллари, 1200 нафардан ортиқ киши, ҳал қилувчи овоз ҳуқуқига эга 455 делегат қатнашади, деб ўйламаганди. Шу фактнинг ўзиёқ партияда рўй бераётган ҳолатлардан жамиятнинг кенг қатламларида вужудга келган қайғуриш, норозилик кайфиятини кўрсатиб турибди.

— Партиядаги аҳвол тўғрисида фикрингиз?

— 20-йиллар ўрталарига келиб партияда демократик принципларга амал қилинган қисми билан бўлиниш рўй берди. Натижада фақат бир хилда фикрлайдиганлар иттифоқини бирлаштирган янги турдаги сиёсий ташкилот яралди. Оқибатда, узоқ йиллар шу тур ташкилот учун қулай ички партия муносабатлари таркиб топди. Партиявий биродарлик ва тенглик принципи — ҳарбийча мустабидлик билан алмаштирилди. Партия генераллари, унинг сипоҳлар қисми, оддий аскарлари ҳақида гапирила бошланди.

Афсуски, шу қатъий усул ҳамон яшаб қолмоқда. Очиғини айтадиган бўлсак, партиянинг Бутуниттифоқ XIX конференцияси қарорларида илгари сурилган порлоқ, маҳсулдор ғоялар амалиётга ғоятда қатъиятсизлик ва ноизчиллик билан тадбиқ қилинмоқда. Мисол учун ошкораликни муаммосини олиб кўрайлик. «Ошкоралик тўғрисида» резолюция борми? Йўқ! Шу борада партиянинг ўзи кенг оммага ибрат бўлиши керак эди. Аммо коммунистлар ҳамон Марказий Қўмита Пленумларида нима тўғрисида гапирилаётганидан бехабар қолмоқдалар. Анжуманда шу ҳақда кескин танқидий фикрлар айтилди. Анжуманимиз МҚ Пленуми ошкоралик тарзида ўтказилишини талаб қилиб, мурожаатнома қабул қилди. Коммунистлар ўзлари аъзо бўлган партиянинг юқори қатламларида нималар бўлаётганини билишлари керак-да...

— Фикрингизга қўшиларсиз, ҳозир КПССнинг XXVIII съездига тайёргарлик даврида, бу муаммо фавқулодда мазмун касб этмоқда.

— Шундай. «Демократик ҳаракат дастури» конференциясидаги марказий мавзулардан бири шу бўлди. Энг кундалик савол — съезд делегатларининг таркибий ташкил топиши. «Демократик ҳаракат дастури» съездга делегатлар кўрсатишда мустақиллик, уларни тўғридан-тўғри, кўп номзодли ва муқобиллик асосида овоз бериш йўли билан сайлашни маъқуллайди.

Бугун партия Устави рўкач қилиниб, кўпқатламли сайлов тартибига амал қилинмоқда. Бу тартиб аппаратга маъқул келмайдиган коммунистларни «элакдан ўтказиш»га, консерваторлар ғалаба қилишига замин яратади. Агар бу тартиб сайлов усулини ўзгартирмасак, шунга эришмасак — съездни ўтказиш, у қабул қиладиган ҳужжатлар, сайланадиган марказий органлар тартибини хавф остига қўяди. Партиянинг омма ҳокимияти айнан бугун, съезд арафасида таркиб топиши керак.

— Москва газеталаридан бирида айни кунда қизиқ фикр ташланди: КПСС XXIX съезди бўлиш-бўлмаслиги XXVIII съездни қандай ўтишига ва қарор қабул қилишига боғлиқ бўлиб қолади...

— Масалани бундай қўйиш тўғри эмас. Мен қандайдир сифат қатлами маълумотларига эга эмасман, аммо ўйлайманки, агар навбатдаги съездда ҳам эскича, бўш-баёв қарорлар қабул қилинса, партиянинг фаол, ҳалол, амалиётга тарафдор сезиларли қисми уни тарк этади. Барчаси, шунингдек, съездга тайёргарлик ва унинг қарорларига боғлиқ. Агар ҳақиқатни айтсак, партия сўнгги имкон ҳолатига тушган...

— Икки-уч йил олдин фикрингиз қуйидаги усули машҳур эди: қайта қуришни хоҳлайсизми? Марҳамат! Аммо, ҳар бир киши ўз иш ўрнида, ўз партия ташкилотида янгиланишга хизмат қилиши керак. Митинглар, баҳс клублари, ҳаракат дастурлари — ортиқча. Худди шу шиорни сизларнинг мухолифларингиз ҳамон олға суришмоқда. Қандай жавоб берасиз?

— Мен умуман олганда партияда турли гуруҳлар ва ҳаракатлар бўлиши тарафдориман. Улар турли фикрларни олға суриш ва партия қатламлари орасида қўллаб-қувватланиб, амалиётга айланиши керак. Ўйлайманки, биз бугун партияда турли ҳаракат, уюшмалар тузиш имконига эга эканмиз, уларни тарғиб қилиб, омма орасида тарафдорлар бор-йўқлигини аниқлашимиз мумкин. Бу жараён партия сафини бўлинишга олиб келадими? Бундай демас эдим. Бундай йўналиш, ҳаракатлар бўлинишга эмас, муҳим аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилишда яқинлашиш, биргаликда ҳаракат қилишга интилиш уйғотишига ғоят ишончим комил. Албатта, бу жараён камчиликсиз эмас, у маълум йўқотишга ҳам олиб келади. Лекин, у бутун партиянинг ўз-ўзини англаш жараёнида жуда зарур.

— Майли шундай бўлсин, аммо бутун партиянинг бўлиниб кетиш хавфи аниқми?

— Ҳа, шундай хавф бор. Мавжуд бу хавф «Демократик ҳаракат дастури»га ёки унинг таъсис конференциясига боғлиқ эмас. У жамиятимизда яшаб келаётган эскича «касал» — душманлар излаш оқибати. Келишувчанлик йўли танланмайдиганлар. У партия аъзолари ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда бир хилда имкониятга эга эмаслигидан келиб чиққан. Бўлиниш хавфи яна қайта қурувчилар ва консерваторлар ўртасида чуқур қарама-қаршиликлар мавжудлигидан ҳам келиб чиқади. Бу кучларнинг негизи ва бирлашаётганликлари тобора гумон бўлаяпти.

Айтайлик — Ленинграддаги биринчи митинг кўрсаткичи, қайта қуришга қарши кучлар энди қуруқ шиорлар, тарғиб-чақириқлардан амалий сиёсий қарашлар йўлига ўтдилар. Эътибордан соқит қилмаслик керак, шундай воқеалар занжири кескин ривожланиб, ўсиб кетиши мумкин.

— Жараённинг яна бошқа томони ҳам бор. Фикримга қўшиларсиз, деб ўйлайман, сўнгги вақтда шов-шувли воқеалар орасида алоҳида ўрин тутадиган Чернигов, Тюмень, Волгограддаги партия раҳбарларининг истеъфога чиқишлари ҳам бор. У «қуйи»нинг таъсири, тазйиқи остида рўй берди.

— Ҳа, бу анъана, умидлантирувчи анъана. Тюменда содир бўлган воқеадан яхши хабардорман. Бу воқеа шунинг учун ҳам мени қувонтирадики, коммунистларнинг масъулият ҳис этишлари, ўз-ўзини англашлари белгиси. Одамлар энди амалиётсиз, қайта қуришга, «бир жойда депсиниш»га тоқат қилиб туролмайдилар.

— Сўнгги пайтда жамиятда, СССРда кўппартиялилик масаласи кўпроқ ва дадил жарангламоқда. «Демократик ҳаракат дастури»да у қандай акс этади?

— Агар иқтисодий ислоҳот тўғрисида, хусусий мулкчиликнинг кўпқиррали томонлари ҳақида, иқтисодиётнинг турлари борасида гапираётган эканмиз, келинг кўппартиялилик ҳақида ҳам очиқ-ойдин сўз юритайлик. Ислоҳотни ким бошқаради, натижаси нима бўлади? Ажабмаски — янги ижтимоий гуруҳлар вужудга келади, жамиятнинг ижтимоий тузилишида инқилобий ўзгаришлар рўй беради. Бу нима дегани? Бу шундай деганики, сиёсий қизиқишларнинг кўпқиррали томонлари вужудга келиб, унинг ижтимоий-иқтисодий базаси яралади. Бу қизиқишлар эса охир-оқибатда сиёсий партиялар сифатида майдонга чиқади.

Фуқаролар жамиятида бу жараён мутлақо табиий. КПСС стратегик сиёсатида бу билан ҳисоблашмай иложи йўқ. «Демократик ҳаракат дастури» айнан шуни таъкидлади.

— Сиёсий рақобатчилик партиянинг кучсизланишига олиб келмайдими?

— Партиянинг ўзидан бўлак ҳеч ким уни на кучли, на кучсиз қила олади. Биз унинг янгиланиши тарафдоримиз. Партиявий ислоҳотнинг тепасида кўпсонли коммунистлар оммаси туриши керак. Қачонки, бу амалга ошса, халқ ҳокимияти вужудга келса, шундагина шундай партия борлиги, у жамият тараққиётини бошқаришга қодирлиги ҳақида сўз юритса бўлади.

С. КИСЕЛЕВ суҳбатлашди.

ДАРВОҚЕ

В. Н. Шостаковский РСФСР халқ депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинган. КПССни ислоҳ қилиш борасидаги фикрлари унинг сайловолди ҳаракат дастурининг бир қисмидир.

Ҳозирги вазият тўғрисида

ЎТИШ ДАВРИ

ЭСТОНИЯ КОМСОМОЛИНИНГ СЪЕЗДИДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

Қизғин баҳс, тортишувлар билан ўтган жумҳурият комсомолининг съездидан сўнг эртасига билишсаки, энди бадал тўлаш керак эмас. Албатта, буни ҳеч ким ман этгани йўқ, лекин аввалгидек сўрашмайди ёки талаб ҳам қилишмайди. Чунки Эстониянинг олдинги, шу кунгача биз ўрганиб қолган комсомоли энди йўқ. Асосан тинчгина «ажралиш» учун тузилган муваққат ижроия секретариати бор. Шунингдек, 1990 йилнинг 1 мартигача, деб белгилаб қўйилган ўтиш даври ҳам бор.

Умуман олганда, гап бадалда эмас, бинобарин, кейинги ойларда жумҳурият комсомоли хазинасига сариқ чақа ҳам тушгани йўқ. Ташкилот ўзининг охирги кунларини бошидан кечирмоқда, деган фикрга ҳамма кўникиб қолганди, унинг соғломлашувига ҳеч ким ишонмаётганди. Бироқ, бирданига юракни болалигинг ўтган уйдан чиқиб кетаётганингда бўладигандек ачиниш ҳисси қамраб олди.

Афтидан, бундай ҳис иттифоққа аъзо бўлмаган ёшларда ҳам пайдо бўлганди, кейинги пайтда ҳеч ким уларни комсомолга киришга кўндиришга уринмаганди ҳам. У ҳолда нима учун рус тилида ўқитиладиган мактабларнинг ўқувчилари ёппасига комсомолга кира бошлашди? Бу ҳақда Таллиндаги райкомларнинг котиблари гапиришганди. Қарама-қаршилик туйғуси биланми? Агарда қарорга яна бир банд — ВЛКСМга қабул қилишни тўхтатиш тўғрисидаги банд қўшилганда портлаш аниқ эди: ёшлар инқилобий қўшиқларни эслаб, Қизил байроқ остида комсомол ячейкалари тузишга йўл олишарди...

Яхшиямки жамоатчилик идроки бор экан — Эстония ЛКСМнинг XXI съездида қабул қилинган қарорда тугатилишга кафолат бериш билан бирга бошқа вариантлар ҳам рад этилмасди. Агарда 1 мартгача ЭЛКСМ аъзоларидан ташкилот тузилса, айтгандай улар таъсис йиғилиши ўтказишди, вакиллари эса таъсис ҳужжатларини тайёрлашди, улар ҳозирги ЭЛКСМнинг ворислари бўлишлари мумкин. Акс ҳолда машиналар, курсилар, ақлларга бошқа эга чиқади.

Орадан бир кун ўтгач, съезддаги гипноздан қутулгачгина — соатлаб овоз бериш, қайта овоз бериш, ҳужжатларни нуқта, вергулигача муҳокама қилиш, «йўқолсин реакцион комиссия, президиум ҳам», «ҳаммасини биз ўзимиз, ўзимиз, ўзимиз»... дея қичқириш — «ўнглар» ҳам, «сўллар» ҳам ниҳоят нақадар доҳиёна-марказий жумла топганларини англашди. Доҳиёналиги шундаки, уни ҳамма ўзича тушунади: «1990 йилнинг 1 мартигача ЭЛКСМда ўтиш даври деб эълон қилинсин, ушбу муддат тугагач амалдаги уставга асосланган ЭЛКСМ фаолияти тугатилган деб ҳисоблансин». Қисқаси, бўрилар ҳам тўқ, қўйлар ҳам омон. Бир томондан ўзларининг мустақилликларини намойиш этишди, иккинчи томондан амалдаги устав озгина ўзгартирилса бўлди, иттифоқ яшайверади!

Тарту дорилфунуни комсомол қўмитасининг котиби Алар Пандис биринчи бўлиб съезднинг 24-дақиқасида ҳамюртларининг қарсаклари остида ЭЛКСМнинг тақдири масаласини қўйди; Сергей Немец, корхоналардан бирининг директори, МҚ секретариатини съездлар орасида аниқ ҳаракатномага эга бўлмаганликда айблаб, ҳамма бало ана шунда, деб айтди. Ўша пайтда Таллиндаги ноҳиялардан бирида котиб бўлган Виталий Зинченко кутилмаганда МҚ котибларини ҳимоя қилди. У съездга бир йил муқаддам котиблар туб ўзгаришлар қилишга тайёр бўлганликларини, бироқ МҚ аъзоларининг демократик қарашлари бир хил бўлмагани уларга дадил ҳаракат қилишга йўл қўймаганлигини эслатди.

Съезд фавқулодда деб эълон қилинмаганди, гарчи мазмунан, мантиқан кескинлиги ва боришига кўра шундай бўлсада. Биринчи куни силламиз қуригунча ишлаймиз, овозимиз бўғилгунча тортишамиз ва ўта муҳим бўлган учта резолюция ва битта қарор қабул қиламиз. Шундай қилиб энди биз бутунлай мустақилмиз: 1940 йилда ВЛКСМга кирганимиз ҳуқуқий эмас, ундан ташқари Конституциянинг еттинчи моддасини ўзгартиришни таклиф қиламиз, ҳатто олтинчисига ҳужум қиламиз... Яъни ЭЛКСМнинг келажаги тўғрисида ўйлаганмиз, шундайми? Йўқ, бундай эмас экан: мустақиллик мустақил яшаш учун эмас, балки марказ билан маслаҳатлашмай ўлиш учун керак экан. Хўш бу ерда мантиқ қани?

«Берилган» демократиядан сархушлик, айниқса, сафсатабозлик даври аллақачоноқ ўтиши керак эди. Шундай бўлсада... Баъзилар: «Биз ташкилотни сақлаб қолиш учун овоз бериш ҳуқуқига эга эмасмиз» (Хельве Мянд) деса, бошқалар унга эътироз билдириб: «Тугата, ҳамманинг тақдирини ҳал қила олмаймиз» (Николай Гогулан) дейишади. Хўш, бу бўлиниш қанақасига, миллатига қарабми ёки сиёсий йўлига қараб?

Ҳарқалай, съезд айрим хулосаларда якдил эди. Жумладан, Эстонияга ҳозир оммавий ёшлар ташкилоти керак эмаслиги хусусида. Турлича фикрловчи кишиларни битта байроқ остида қадам ташлашга мажбур қилиш ҳатто маънавиятга ҳам зид бўларди. Съезд делегатларининг қарорига кўра ЭЛКСМ ўз-ўзидан тарқаб кетмайди, тугатилмайди (юқоридан ҳам, қуйидан ҳам) — унинг аъзолари дўст бўлиб қолганлари ҳолда ажралишади. Бинобарин, ҳар бир «қанот» ўсиб-униши, эски ЭЛКСМ асосида ўз ташкилотларини тузиш ҳуқуқига эга. Улардан иккитасининг номини ҳозирданоқ аниқ айтиш мумкин: булар — Эстония Коммунистик ёшлар иттифоқи ва Эстония ёшлар иттифоқи. (Умуман айтганда съездда МҚ ва Муваққат Ижодий Жамоа томонидан илгари сурилган ЭЛКСМни янгилаш ҳаракатномасига бирлашган тўртта сиёсий йўналиш тўғрисида гап борганди. Бироқ, ҳозирча ҳеч ким бирлашишга ошиқмаяпти, комсомолни тарқатиб юбориш тарафдорлари бўлган ва ўзларига «тугатувчилар» деган ном орттирганларга келсак, улар аския учунгина ўзларининг алоҳида ташкилотларига бирлашишлари мумкин).

Рақибларнинг эҳтиросга берилиб бир бирларидан кескин фарқ қилиш учун ўз ҳаракатномаларини шоша-пиша қайта ёзишга тушмаганлари, ҳар ким қандай бўлса, шундайлигича қолгани ҳақиқатан ҳам съезднинг катта муваффақиятидир. Ваҳоланки, программаларнинг энг муҳим ўринлари бир-бирига мос келади. Сиёсий йўналиши ва миллатидан қатъий назар айнан ҳаммалари жумҳуриятда ёшлар ташкилотлари кўп бўлишини тан олишади, мустақиллик учун овоз берадилар, ёшларни сиёсийсизланишига бир хилда катта аҳамият беришади ва энг муҳими, инсонпарварлик асосида қурилганлар!

Эстония Компартияси МҚнинг мафкура бўйича котиби Микк Титма билан шу ҳақда суҳбатлашдик. У бундай яқинликни қуйидагича изоҳлайди: «Съезд арафасида эстонлар ва ноэстонлар ўртасида низо чиқиши хавфи бор эди. Бироқ ҳарқалай съездни сиёсий низо асосида ўтказишга эришилди. Фарқ нимада? Баъзилар комсомолни эскилик тимсоли деб билишади ва шунинг учун ҳам «Йўқолсин! Йўқолсин!» деб қичқиришади.

Кўпдан бери социологлар ҳам, Эстонияни тўлдирган журналистлар ҳам, шунчаки қизиққанлар ҳам бир саволга жавоб топишга уринишади: «Нима учун жумҳурият ёшлари сиёсатга қатнашмаяптилар?» «Нима учун Халқ фронтининг ҳам, Байналмилал ҳаракатининг ҳам, ҳатто мўмин-қобил «яшиллар»нинг ҳам ёшлар бўлимларини тузишга бўлган ҳаракатлари зое кетди? «Тахминлар кўп, аммо аниқ жавоб афсуски йўқ эди. Кейин жумҳуриятда митинглар ва иш ташлашлар авжга чиққанда ҳамма «Қатнашмаётганликларига худога минг қатла шукр» дея енгил тин олди. Негаки, жамиятнинг энг таъсирчан ва энг эҳтиросли қисми плакатлар кўтариб чиқса, икки томонни боғлаб турган арқон ниҳоятда таранглашади, унда...

Бугунга келиб социологларнинг қайд этишича, ёшлар сиёсатлаштиришдан чарчашган, шунинг учун ҳаётдаги асосий қадриятлар ўзгармоқда. Улар тобора одамий бўлиб боришмоқдами-ей. Уй, тўкинлик, боғ, оила, болалар, тинч ва севимли иш... Ҳеч қайси мафкурачи уни қашшоқ, мағрур, ғоявий чиниққан бўлиш, бадавлат ва ҳеч қанақа митинг, йиғилишлар билан қизиқмайдиган одам бўлишдан афзалроқ, дея ишонтира олмайди...

Бўёғи қандай, нима бўлади?

Аммо мен вазият шу қадар умидсиз, демоқчи эмасман. Бўлажак Эстония Коммунистик ёшлар иттифоқи ва Эстония ёшлар иттифоқини тузиш ташаббускорлари замонавий, сиёсий баҳс, мунозара, тортишув йўли билангина курашишни тан олишади. Рақиблар ўзаро бир бирларининг сиёсий устунликларини қадрлашади. ВЛКСМ XXI съездига ўз делегатлари ёки вакилларини юборишга тайёрлар. Улар ўз ортларидан эшикни ёпдик, деб ҳисоблашмайди ва ВЛКСМ билан янги асосда ҳамкорлик қилишга ҳам тайёрлар.

Эстонияда давлатнинг ёшлар тўғрисидаги сиёсатини ишлаб чиқиш устида ҳам қизғин иш бормоқда. Дарвоқе, демократик ва истиқболли ҳаракатноманинг муаллифларидан бири ЭЛКСМ МҚнинг собиқ котиби Тойво Суккдир.

Мураккаб ўтиш даври давом этмоқда.

Г. САПОЖНИКОВА,
(Ўз мухбиримиз)
Таллин.



Сирдарё вилояти Пахтакор ноҳиясидаги «Самарқанд» совхози сут-товар фермасининг соғувчиси Маҳбуба Абдуллаева ёш бўлишига қарамай Пахтакор ноҳия Советига депутатликка номзоди кўрсатилди. Фермада ишлаётганига эндигина уч йил бўлган қизга коллектив шундай катта ишонч билдиришибдими, демак у бунга лойиқ.

СУРАТДА: коммунист Маҳбуба Абдуллаева.

Сураткаш: Умарали ҚЎШВОҚОВ.

«МАРКСИЗМ»— БЎШ КЕЛМАЯПТИ

Афтидан, совет талабаларининг ўз олий мактаби билан унча узоқ бўлмаган кураш даври ниҳоясига етадиган кўринади. СССР Халқ таълими Давлат комитети ҳарбий кафедраларда мажбурий ўқитишни бекор қилганидан сўнг, энди марксизм-ленинизмдан давлат имтиҳонини ҳам ўтказмасликка қарор қилди. Уч ой муқаддам талабаларнинг дарсга қатнамай қўйиш, иш ташлашига сабаб бўлган бу фанни энди XX аср сиёсий тарихи, социализм назарияси муаммолари, фалсафа ва сиёсий иқтисод курслари билан алмаштириш мумкин. Албатта, олий ўқув юртининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда.

Халқ таълими Давлат комитетининг бу буйруғи шу ўқув йилининг иккинчи семестридан кучга киради. Бироқ, айрим ўқув юртлари ҳозирданоқ янги предметларни қишки сессия рўйхатига киритишди.

Б. КИРИЛЛОВ.

Сиёсий кузатиш

МЕН НОУМИД ЭМАСМАН, АММО...

Андраник МИГРАНЯН, сиёсатдон.

Менимча, биздаги ҳақиқий қайта қуриш 1989 йилда, аниқроғи СССР халқ депутатлари сайлаш пайтида ўзини намоён этди. Албатта, бунга анча барвақт асос солинганди. Мен бу санани тахминан айтадиган бўлсам, у Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси ўтган даврга тўғри келади.

Жамият таянган бойликлар ва иш юргизувчи институтларга борган сари халқ ишонмай қўяётганди. Янгилари бўлса, ҳали уларнинг ўрнини эгаллаганча йўқ. Бу ўз-ўзидан икки орада бўшлиқ ҳосил қилмоқда. Натижада мамлакат бўйича юз бераётган қизғин жараёнлар кўпинча бошқарилмай қолинаётир. Шу боис мен ўтган йилни шу пайтгача жамият таянган барча алоқаларнинг инқирозга учрашиши тезлаштирган давр, деб биламан.

Хўш, янги йилдан нималар кутмоқдамиз? Мен ҳаётга ишонч кўзи билан қарайдиганлардандман. Аммо мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар мени хушёр тортишга ундайди. Агарда таъбир жоиз бўлса ёки унга ҳамон умид билан қарайдиган бўлсак — 1990 йилни ҳал қилувчи йил, деб ҳисоблайман. Шу боис айтаманки, бу йил барча зиддиятларга барҳам берилиб, кўп нарса ўз ўрнига тушади. Балки, бир қатор ниятлар яқин ойларда амалга ошар.

Ҳар қандай ўз қаноатини топган демократия бу бирмунча беқарорликдир. Аммо у унчалик хавфли эмас. Чунки унинг асосида мустаҳкам бойликлар ва сиёсий маданият турибди. Агарда жамият катта ўзгаришлар бўсағасида турган бўлса, демак бир тузумдан бошқасига ўтар чоғи бўлса, беқарорлик кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин.

Биз ўзимизни жуда барвақт демократик жамият, деб атай бошладик. Ваҳоланки, бунинг учун тўла асосимиз йўқ эди. Бу эса хавфли.

Кўриб турибмизки, бошқариш мушкул бўлган жараёнлар кучайиб бораётир. Иш ташлашлар, ағдар-тўнтарлар, қамаллар бўлиб ўтди. Марказий ҳокимият етилган можароларни эскича усуллар (бу усуллар бизда одатда куч ишлатишдан иборат эди) билан ҳал этишдан воз кечаётир. Демократик йўллар эса ҳали топилган эмас. Бу бор-йўғи тушуниш ва ҳис этиш билан ҳал этилмайди, балки маълум шарт-шароитлар ҳам зарур бўлади.

Истиқболсиз тахминларга ҳушум йўқ бўлса-да, аммо мамлакатдаги вазиятнинг носозлигининг анча юқорилиги кишини ўйлантириб қўяди. Ҳозиргидек ҳокимиятнинг васийлиги йўқолиб, мамлакатдаги юз бераётган барча жараёнлар ўз ҳолича давом этган давр бир марта бўлганди, 1917 йилнинг февраль ойидан то октябригача давом этганди.

Менинг назаримда анча ноxуш бўлган, аммо бир қадар қониқиш ҳосил қиладиган келажак мавжуд. Агар мамлакатнинг юқори раҳбарияти замона талабидан келиб чиқиб ўз вақтида аниқ чора-тадбирлар белгиламаса, у ҳолда халқ қўяётган талаблар ошиб борган ҳолда айтиб бўлмайдиган вазият вужудга келиши мумкин...

Назаримда, бу борада ягона йўл: олий раҳбарлик ўз-ўзини янгилаши даркор.

«Ҳар ким ўзидан бошламоқ даркор», деган гап-сўзлар бу ерда асоссиз. Иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳаётимизда оламшумул ўзгаришларга олиб келадиган қарорлар қабул қилмас эканмиз, биз қайта қуришнинг жараёнларида қатнашиш имкониятидан маҳрум бўлиб қолаверамиз.

Ҳозирча бошқара олинмаётган вазиятларни ўз йўлига солишнинг иложи йўқми? Эски бошқарув аппаратлари ўрнига халқ қўллаб-қувватлайдиган, оммани ўз атрофига жипслаштира оладиган янги институт ва бойликлар ярата оламизми? Бу саволларга жавоб фақат 1990 йилнинггина эмас, балки кейинги бир неча йиллар тақдирини ҳам белгилайди.

И. ПОТЕХИНА ёзиб олган.

Телемарафон

Хайру назр этилган чет эл валютаси ва совғаларни ҳисобга олмаганда ҳам 24 соат ичида болалар жамғармаси ҳисобига 61 миллион сўмдан зиёд пул келиб тушди.



Мазкур суратни биз меҳр-шафқат телемарафонининг сўнгги соат ва дақиқалари бошланган паллада олдик. Кўрсатув етакчиси — Тамара Максимова бу пайтда бир қултумгина кофе ичиб олиш учун микрофонни қўлидан қўйган эди. У лича мувозанатини йўқотгандек кўринарди. Дарвоқе, кўрсатувга алоқадор бўлган бошқа кишиларнинг аҳволи ҳам уникидан яхши эмасди. Тонг билан соат бешдагина у совуқ душ қабул қилиш ва кўйлагини алмаштириш учун саҳнани тарк этган эди, холос.

— Нима туфайли бунчалик оёқда турибсиз?

— Шоколад туфайли, — кулади Тамара. — Тўғрисини айтганда, ўзим ҳам билмайман. Ҳарқалай томошабинлардан келаётган куч-қувват туфайли бўлса керак.

— Нима учун айнан сизни етакчи қилиб тайинлашди?

— Етакчи қилиб мен ўзимни ўзим тайинладим. Негаки бу телемарафонни менинг ўзим эрим билан бирга ўйлаб топганмиз. В. И. Ленин номидаги Совет болалар жамғармаси унга бош ҳомий бўлди.

— Эрингиз қани?

— Пульт ортида, телемарафонни экранга мувофиқлаштиряпти.

— Бундай кўрсатувни уюштиришга сизни нима ундади?

— Мамлакатдаги вазият. Болаларга ёрдам қилгим келди. Телемарафон, айтиш мумкинки, бу «Жамоатчилик фикри» ва «Мусиқавий ринг» деб аталмиш аввалги икки кўрсатувимиздан туғилган «фарзанд». Улардан бири — характер жиҳатидан сиёсий бўлса, иккинчиси мутлақо рақсу қўшиқдан иборат. Телемарафон — қандайдир маънода уларнинг ўртаси.

— Лекин бундай телемарафон япон ва америка телевидениесида ҳам бор-ку!

— Эрим билан ўн беш йил телевидениеда бирга ишлаб, биринчи марта нусха кўчиришга жазм қилдик. Бироқ америка телекўрсатуви бой-бадавлат томошабинларга мўлжалланган бўлса, биз ўз одамларимизнинг раҳмдиллигига умид боғладик.

— Америка телевидениесига ишлаганингизлар учун сизга ва эрингизга миллион доллар таклиф қилишгани, сиз эса уни рад этганларингиз ростми?

— Бўлмаган гап. Биз текинга, ўз кўнгилхушлигимиз учун ишлаганмиз.

— Телемарафонга тайёргарлик чоғида қандайдир қийинчиликлар, тўсиқлар бўлмадими?

— Сўнгги дақиқагача унга рухсат беришларига ишонганимиз йўқ.

— Телемарафонга тайёргарлик чоғида сиз учун энг катта янгилик нима бўлди?

— Марказий телевидение раҳбарларининг ишончи. Ахир биз олдиндан бу нима билан — ғалаба биланми ёки мағлубият биланми тугашини билмаган ҳолда кўрсатув моделинигина тақдим қилгандик-да. Эвазига 24 соат кўрсатувга эга бўлдик.

...У совға-салом ва хайр-эҳсон билан саҳнага интилаётган одамлар орасидан юриб столча ёнига борди. Янги йил арчаси туҳфалар билан безанган. Стол устида бир талай телеграммалар: «Бизнинг уч фарзандимиз бор, — деб хабар қилади Мурманск вилоятидан Конинлар оиласи. — Вафот этган отамиз учун 55 сўм нафақа олдик. Шуни сизга юборяпмиз. Эҳтимол, у хаста болаларга асқотиб қолар». Айтишларича, қаердаки меҳр-шафқат йўқолмаган бўлса, ҳали ҳамма нарса йўқолмаган...

Т. ХОРОШИЛОВА,

Сураткаш: В. НЕКРАСОВ.

Табриклаймиз!

«Комсомольская правда» рўзномаси коллективи телемарафон иштирокчилари ва ташкилотчиларини меҳр-шафқат акцияси муваффақиятли ўтганлиги билан қутлайди. Унга ўз муносабатини билдирган барча-барчага қўшиламиз ва Болалар жамғармаси ҳисобига 15 минг сўм ажратамиз.

Владислав ФРОНИН,

«Комсомольская правда» рўзномаси бош муҳаррири.

ШАХСИЙ МУЛККА ЭГАЛИК ҲУҚУҚИ

Нуқтаи назар

Қачон биз яхши яшай бошлаймиз? Бу саволга жавоб бериш ўз-ўзидан бизга қанчалик эркинлик берилишига боғлиқдир. Энг муҳими — иқтисодий эркинлик! Бунинг моҳияти шундан иборатки, ҳар бир гражданин ўз иштиёри билан қандай иш тутиши ёки нимани истеъмол қилишга, давлат корхонасида меҳнат қиладими, ё кооператив ташкил қилиб, ўзи бирор юмуш топадими, хуллас ана шу фикрларнинг жами хусусий мулк хусусида бошланган баҳснинг асосий мағзини ташкил қилмоқда. Бугун эътиборингизга ана бир нуқтаи назарни тақлиф этмоқчимиз.

«Совет ҳокимиятининг етмиш учинчи йили хусусий мулк бўлиши керакми ёки йўқми, шуни муҳокама қилиб ўтирсага...» Бу сўзларни ҳар қаерда эшитиш мумкин. Ҳар ким хусусий мулк тўғрисидаги Қонунга ўзича муносабат билдирмоқда. Зеро, янги Қонуннинг бош вазифаси — табиий бойликлардан оқилона фойдаланган ҳолда хўжалик юритишнинг мос йўлини топишдан иборатдир. Инсондаги соҳиблик руҳини тарбиялаш борасидаги ғоялар аллақачон эскириб қолди. Ҳозир ҳар бир шахсда ҳуқуқий эгалик ҳисси туғён уриб, ўз фойдасида иш кўриши бўлган иштиёқ кучайиб бормоқда. Одамлар шахсий хўжаликларни соғиниб қолишган.

Дастлаб қараганда хусусий мулк тўғрисидаги Қонун лойиҳаси тўғри йўлдан бораяпти. Давлат мулки иттифоқдош жумҳуриятларга, маҳаллий Советларга бўлиб берилмоқда. Меҳнат коллективлари корхоналарни, деҳқонлар ерларни ижарага олишаётир. Аммо буларнинг ҳаммаси давлат ҳокимиятининг рухсати билан амалга оширилмоқда. Келишиш эса ўта иштиёрий. Қани айтингчи, агарда бир томон бермоқчи бўлса-ю, ўз навбатида бошқа тараф уни олишга розими?

Хўш, «давлат мулки» ўз буюмини ижарага берганда нимани йўқотади? Оз ҳам эмас, кўп ҳам эмас: у ижарага берган нарсага эгалик қилишдан маҳрум бўлади. Зеро, бу буюм кичик нарса эмас. Агарда, давлат органлари бошқара олмаса, уларнинг нима кераги бор? Ҳақиқатан, яна бир вақтлар бўлгандек: «ҳохласам бераман, бўлмаса йўқ», деган ақида яна ҳукм суриб қолса! Бу ўз-ўзидан кўриниб турибдики, «Правда» газетасининг ўтган йил 18 ноябрь сонида эълон қилинган Қонун лойиҳасида белгиланганидек, агарда давлат мулкидаги бюрократизм сақланиб қоладиган бўлса ўз-ўзидан бундай шартномаларни тузиш осон кечмайди.

Раҳбар учун бугунги бор қувватга айланиб қолган воқеа — унга ўз бошлиқ бўлган бўлинма қандай ишлашни буюрар экан фарқ йўқ. Худди бонс улар ҳар минг йилларга татийдиган лойиҳаларни инкор этиб, моддий бойликларни совурган ҳолда жами фойдани теппа-тенг бўлишга ҳаракат қилишади... Шу боис ССР Иттифоқи, жумҳуриятлар, регионлар ўртасидаги умумхалқ мулки деган тушунчадек бўлиб, бу аслида давлатнинг бўладиган бирор янгиликка қизиқмайдиганлар сонини кўпайтишга олиб келади. Уларнинг яхши турмуш кечириши ўзлари раҳбарлик қилаётган тармоқ, ёки корхонанинг гуллаб-яшнашига мутлақо боғлиқ эмас, деб билишади.

Давлат мулкининг энг паст иқтисодий фойда бериши фақат бизнинг мамлакатимизга хос нарса эмас. У ер юзига хос воқеликдир. Бу борада раҳбарнинг шахсий манфаатдор эмаслиги боис сабабларидан ҳисобланади. Яна бир томони шунга бориб тақаладики, фақат давлат яна бир пул ишлаб чиқарадиган ускунани ишга солишни ўзига эп кўради. Аслида хусусий мулк эгаси ўз чўнтагини кўриб, сўнг катта ишларга қўл уришни мўлжаллайди. Давлат бўлса пул ишлаб чиқаришни ўз-ўзидан кўпайтириб, фойда бермайдиган лойиҳаларга маблағни сарфлайверади.

Менинг назаримда шу нарса муҳимки, хусусий мулк тўғрисидаги Қонун лойиҳасида давлат мулкидан фойдаланиш принципларини ҳеч қаерда эслатиб ўтилмаган. Бу борада имтиёзлар кўзда тутилмаган. Фақат ишлаб топилган фойданинг тегишли қисмингина олиш ҳуқуқи бор, холос. Аслида лойиҳанинг бу қисми қонунлаштирилиши даркор. Давлат мулкининг эгаси ижарачилар ишига, агарда бунга зарурат бўлмаса аралашмаслиги лозим. Масалан, айтайлик Чернобиль фалокатини тугатишда иштирок этган корхоналарни йўлини кириб рағбатлантириш унчалик тўғри бўлмас.

Н. ТАМБОВЦЕВ,
иқтисод фанлари доктори, МДУ доценти.

Соғинч?

Горидан хабар келди. Бу ерда, Сталин ватанида И. В. Сталинни ҳимоя қилиш жамиятининг таъсис съезди бўлиб ўтди. «Молодёжь Грузии» газетаси кутилмаган бу янгиликни шарҳлаб, ошкора киноя билан шундай деб ёзади: мазкур воқеа — гарчанд унда мамлакатнинг кўпгина шаҳарларидан меҳмонлар ташриф этган бўлсалар-да — ҳозирча маҳаллий аҳамиятга молик. Бироқ вақти келиб, уни жаҳон миқёсидаги жамиятга айлантириш режалаштирилаётир.

Н. МИКЕЛАДЗЕ.
(Ўз мухбиримиз).

Оппозициянинг ўз газетаси бўлади

ГДРнинг олти сиёсий партия ва ҳаракатлари ягона иттифоққа бирлашиб, май ойида бўладиган парламент сайловларида биргалашиб курашишга қарор қилдилар. Социал демократик «Демократик тўлқин» партиялари, «Янги анжуман», «Бирлашган сўллар», «Демократия — ҳозир» ҳаракатлари, «Тинчлик ва инсон ҳуқуқлари учун» ташаббуслари раҳбарлари оппозиция блоки ташкил топганлигини маълум қилувчи ҳужжатга қўл қўйдилар.

«Давра столи» мажлисларида қатнашган ва қайта туғилган ГДР сиёсий кучлари орасида фақат «Яшиллар лигаси» ва «Кўкатпарварлар» партияси ҳозирча бу сайловолди иттифоқига қўшилишмади. Бироқ ГФР ва Ғарбий Берлин оммавий ахборот воситаларининг таъкидлашича, бирлашув яқин кунлар ичида содир бўлиши мумкин.

Сайловолди кураши бир-биридан анча узоқ бўлган ҳаракатларни бирлаштирди. Мисол учун ғарблик кузатувчиларнинг баҳолашича, «Демократик тўлқин»да консерватив кучлар жам бўлиб, «Бирлашган сўллар»да эса партиянинг марксизмдан сиёсатидан ҳоли бўлмаган собиқ ГБСП аъзолари кўпчилик ташкил этади. Сиёсий ҳаракатлар ичида ҳам анча келишмовчиликлар мавжуд.

Оппозицияга ҳеч кимга тобе бўлмаган минбар керак ва социал демократлар ўз газеталарини ташкил этишга киришдилар. «Давра столи»да СПД вакилининг айтишига қараганда «Скандинавиядаги дўст партиялардан» бири бир йил давомида газета чиқариб туришга етадиган миқдорда қоғоз берди.

И. ЯВЛЯНСКИЙ,
(Ўз мухбиримиз)
Берлин.

ПОЛЬША СЎЛ КУЧЛАРИ ПАРТИЯСИ ТУЗИЛДИ

ВАРШАВА. ТАСС мухбири Валентин Волков ва Виктор Рунов хабар берадилар:

Якшанба куни ярим кечада Польша сўл кучлари партияси таъсис конгрессининг делегатлари қизғин мунозаралар натижасида унинг номини Польша Республикасининг социал-демократик партияси деб тасдиқладилар. Партиянинг низоми ва дастурий декларацияси ҳам қабул қилинди. Мазкур ҳужжатни ёқлаб 1106 киши овоз берди, 60 киши қарши овоз берди ва 82 киши бетараф бўлди.

Ҳужжатда, жумладан, бундай дейилади: сўл кучлар партияси Польшани социал адолат шароитида яшайдиган эркин, тенг ҳуқуқли кишилар ватани деб билади ва демократик социализм бунга кафолат бериши лозим. Конгресс ҳуқуқий давлат, парламент демократияси ва кўп партияли система шароитида ривожланадиган кучли граждан жамияти барпо этилишини ёқлаб чиқди. Бозор иқтисодиёти давлатнинг бошқариб туриши ва социал масъулияти билан узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилиши керак. Делегатлар иқтисодиётнинг кўпукладли бўлишини ёқлаб чиқдилар. Иқтисодиёт давлат мулкини аста-секин турли шакллар касб этадиган ижтимоий мулк билан алмаштириши лозим.

Ташқи сиёсат соҳасида конгресс давлатлар ўртасидаги муносабатларда устунликка эга бўлишдан ва кучдан воз кечишни, қуролсизланиш ва ишончни мустаҳкамлашни ёқлаб чиқди. Умумевропа хонадони ва мавжуд чегараларни сақлаш ғояси қўллаб-қувватланди.

Делегатлар ярим кечага яқин Польша Бирлашган Ишчи партияси тарихидаги сўнгги XI съездни тугаллаш учун конгресс ишини вақтинча тўхтатдилар. Съездда ПБИП Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Раковский раислик қилди. Делегатлар Марказий Комитет ва марказий назорат-тафтиш комиссиясининг қилинган ишлар ва ПБИП X съезди қарорларининг қандай рўёбга чиқарилганлиги тўғрисидаги ҳисоботларини маъқулладилар ва Польша Бирлашган Ишчи партиясининг фаолиятини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Чет эл ёшлари ҳаётидан

● БЕРЛИН. Озод Немис Ёшлари Иттифоқининг Потсдам округидаги Бранденбург шаҳрида ўз ишини тугаллаган съезди делегатлари ташкилотларининг ҳозирги номини сақлаб қолишни ёқлаб чиқдилар. Яширин овоз бериш натижасида Магдебург шаҳри район ташкилотларидан бирига раҳбарлик қилаётган 25 ёшли Биргит Шредер иттифоқ раиси бўлди.

Ташкилотни қандай аташ тўғрисидаги мунозарада унга берилиши мумкин бўлган 16 хил ном муҳокама қилинди. Съезднинг 1544 делегатидан 840 нафари Озод Немис Ёшлари Иттифоқи номини ёқлаб овоз берди. Озод Немис Ёшлари Иттифоқи Уставининг лойиҳаси хусусида узоқ мунозара бўлди. Озод Немис Ёшлари Иттифоқи Социалистик Ёшлар Союзи эканлигини аниқ белгилаб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда Озод Немис Ёшлари Иттифоқи республиканинг барча ёшлари номидан иш юритиши, шунингдек, «партиянинг ёрдамчиси ва жанговар резерви» бўлиш мажбурияти тўғрисидаги қоидалар энди йўқ. Ҳужжатда ўтмишдагидан тамомила фарқ қилувчи янги Озод Немис Ёшлари Иттифоқи ёшларнинг сўл иттифоқи эканлиги ва у немислар диёрида инсонпарварлик, социалистик альтернатива учун, ГДРнинг сиёсий мустақиллиги учун, ГФР билан шартномавий ҳамжамиятни ташкил қилиш учун курашиши таъкидланган. Иттифоқ аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш ва уларга янги аъзолик билетлари бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Иттифоқ программасининг съезд делегатларига таклиф қилинган лойиҳаси Озод Немис Ёшлари Иттифоқининг асосий иши олиб бориладиган бошланғич ташкилотларда кенг муҳокама қилинади.

● ПРАГА. 20 соат давом этган шиддатли ва қарама-қарши фикрларга тўла мунозаралардан кейин Социалистик Ёшлар Союзининг навбатдан ташқари съезди тугади. Съезд делегатлари бир қанча делегациялар мажлислар залидан намойишкорона чиқиб кетганликларига қарамай, ёшлар ҳаракатидаги тангликни бартараф этиш учун ҳаракат дастурини ишлаб чиқишга ҳар қалай муваффақ бўлдилар. Бу ерда ёшлар ташкилотининг Устави, программ баёнот ва шу ташкилотнинг янги номи қабул қилинди. Энди у «Ёшлар Иттифоқи» деб аталади ва ўзининг программа баёнотида мустақил, кўнгилли ва ҳар қандай сиёсий партия ёки ҳаракатга бўйсунмайдиган бўлишни мақсад қилиб қўйди. Ёшлар Иттифоқининг раиси тўрт номзод орасидан альтернатив асосда сайлаб олинди. Раисликка кўпчилик овоз билан Мартин Улчак сайланди. Ёшлар Иттифоқининг мувофиқлаштирувчи федерал маркази ҳам сайланди. Унга чехия, моравия-силезия, словак ёшларининг вакиллари кирди.

● БУДАПЕШТ. Будапешт яқинидаги Сазхаломбатте шаҳрида Венгрия Демократик Ёшлари Иттифоқининг 2-умумий йиғилиши ўз ишини тугаллади. Унинг делегатлари бу ташкилотнинг келажаги ҳақидаги масалани муҳокама қилдилар.

Анжуманда тарқатилган ҳужжатда Венгрия Демократик Ёшлари Иттифоқининг ўтган йил баҳорида қабул қилинган программаси ҳозироқ шу кун талабларига жавоб бермаётганлиги, чунки ташкилот бир партиявийликдан кўп партияли парламент демократиясига ўтишнинг ва мамлакатда чуқурлашиб бораётган тангликнинг оқибатларини олдиндан кўра билмаганлиги таъкидланди.

(ТАСС).

ФРЕОНДАН ВОЗ КЕЧИШ ЎЧУН

ТОКИО. ТАСС мухбири Александр Копнов хабар беради: Япония ташқи савдо ва саноат министрлиги жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиб, 1995 йилгача ер юзида фреон ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланишни 50 фоиз қисқартиришга даъват этишга қарор берди. Министрлик 1987 йилда қабул қилинган Монреал протоколида белгиланган муддатни қайта кўриб чиқишга қаратилган таклифлар мажмуасини тайёрлади. Министрлик сайёранинг азон қатлами кушандаси бўлган ана шу газдан фойдаланишни 1995 йилдаёқ, протоколда белгиланган муддатдан 3 йил илгари ярмига қисқартириш мумкин, деб ҳисоблайди. Министрликнинг лойиҳаси шу йилнинг март ойида Женевада очиладиган экологияга оид халқаро конференция муҳокамасига қўйилиши кутилмоқда.

Олимларнинг сўнгги тадқиқотлари кўрилаётган тадбирларга қарамай, «азон қалқони»нинг емирилиш жараёни пасаймаётганлигини кўрсатмоқда. Министрлик бу билан аср охиригачаёқ фреондан бутунлай воз кечиш учун уни ишлаб чиқаришни тўхтатишнинг энг қисқа муддатларини белгилаш зарурлигини исботлаб беради. Министрлик тақдим этилган лойиҳа билан танишиш учун Япониядаги фреон ишлаб чиқарадиган 47 та йирик корхона вакилларини таклиф этди. Улар саноатда ва рўзғорда ана шу хатарли газнинг ўрнини эгаллайдиган моддалар ишлаб чиқариш билан яқиндан шуғулланишлари керак. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 1993 йилда мамлакатда ана шундай моддалар кенг кўламда ишлаб чиқарила бошланиши лозим.



Игорь Сикорский... Бу буюк авиаконструктор ва саноатчининг номи йигирманчи асрнинг биринчи ярмида бутун жаҳонга танилган.

Россия унинг туғилган ватани. Сикорский 1889 йилда ана шу ерда таваллуд топган. У 1908 йилдаёқ ҳаво кемасини яратишга киришган. Истеъдодли инсон эди.

Асримизнинг суронли тўлқини уни 1919 йилда хорижга кетишига сабаб бўлди. 1923 йилда Қўшма Штатларда ўзининг машҳур фирмасига асос солди. Унинг раҳбарлиги остида пассажир лайнерлари, ҳарбий техника, турли класс ва вазифага белгиланган вертолётларни лойиҳалаштириш ҳамда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Игорь Иванович Сикорский 1972 йилда вафот этган...

Яқинда Вашингтонда, ҳавода учиш ва космонавтика миллий музейида «Авиацияда Игорь Сикорскийнинг шуҳрати» деган суратлар кўргазмаси очилди.

СУРАТДА: 1939 йил. Сикорский ўзининг «ВС-300» вертолётини (ҳарфлари лотинча) шахсан ўзи бошқараётган пайт.

ТАСС сурат хроникаси.

Ҳаммамиз кўрамизми?

Сунъий йўлдош орқали бериладиган телевизион кўрсатувлар ҳақида орзу қилардик. Яқинда эса мамлакатимизда хорижий эллар программасини оладиган антенна ишлаб чиқарилаётганлигини эшитдим. Уларни қаердан сотиб олса бўлади!

Д. ВАСИЛЕНКО.
Махачқалъа.

Витебскдаги телевизион ускуналар заводидан бизга жавоб беришларига қараганда, 1990 йилда сунъий йўлдош орқали программаларни қабул қиладиган 500 та параболлалик антенна ишлаб чиқарилади. Антеннанинг нархи тахминан уч минг сўм атрофида бўлади. Заводнинг бош конструктори А. Левин «Диалог» мухбирига 18 январдан 24 январгача Москвадаги Красная Пресняда бу антенналарнинг савдо-кўргазмаси бўлганлигини айтган. Улар бу ерда валютага сотилган. Қолган антенналар чакана савдога чиқарилган. Красноярскдаги телевизион аппаратуралар заводида ҳам шундай антенналардан ҳар йили юзга яқин ишлаб чиқарилади.

Ажойиб. Аммо... уч юз миллион аҳолига олти юзта антенна камлик қилмасмикан?

«Юлдузлар» кимга порламайди?

«СССР Олий Совети Президиумининг мукофотлар бўлимидан шу пайтгача 77 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва 85 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонидан маҳрум қилинганлигини айтишди. Афсуски, мукофотлар бўлимида бизга ҳозирча аниқ бирор фамилияни айтишгани йўқ».

«Диалог», 19 март 1989 йил.

Бугун биз аниқ мисолларни келтиришимиз мумкин.

1989 йилда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонидан (шунингдек, Октябрь революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ, Халқлар Дўстлиги, «Ҳурмат Белгиси» орденлари ва «Шавкатли меҳнати учун» медали) бир киши маҳрум қилинган. У Мари вилоятининг Туркманқалъа ноҳиясидаги «Коммунизм» колхозининг собиқ раиси К. Аннамуҳаммедовадир.

Қаҳрамонлик юлдузини у 1960 йилда олган эди, 1989 йилнинг 14 февралида эса Туркманистон ССРнинг Олий суди К. Аннамуҳаммедовани 1,8 миллион сўмни талон-тарож қилганлиги учун етти йилга озодликдан маҳрум қилди. Бу пулларнинг 167,9 минг сўмини унинг ўзи ўзлаштирган, қолган қисмини эса пора тариқасида пахта тозалаш заводлари раҳбарларига берган.

Айтмоқчи:

Мукофотларни эгасига қайта топшириш воқеалари ҳам учрайди. 1989 йилнинг апрелида ветеранлар кенгаши ва полкдошлар талабига кўра СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан С. Шчировга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони, орден ва медаллари қайтариб берилди. Қаҳрамонлик унвонидан у 1950 йилда маҳрум қилинган эди.

Олтин деталь

Олтин — бу фақат зирак ва узук эмас, у асбобсозликда, радио саноатида ҳам ишлатилади. Энди, олтиннинг чакана баҳоси ошганлиги муносабати билан балки радиоприёмниклар ҳам қимматлашса керак!

В. ГОЛОШЧУКИН.

Муштарийнинг бу саволига СССР Давлат нарх-наво қўмитаси раисининг биринчи муовини А. Комин аниқ ва қисқа жавоб берди:

— Қимматлашмайди. Шундай деб ёзишингиз мумкин.

Умид қилса бўлармикан?

Митинг ўтказишлар давом этяптими?

«Омманинг фаоллиги» кўз ўнгимизда ўсмоқда. Москвада ўтган йили ўтказилган қанча митинг рўйхатга олинган!

Е. КОЖЕВНИКОВ.
Москва.

1989 йилнинг 26 февралида биз муштарийларни Москванинг айрим ноҳияларида нечта рухсат берилган митинг ўтказилганлигидан хабардор қилган эдик. Кейин-чи? Бу савол билан биз Москва Советининг давлат-ҳуқуқ бўлими бошлиғи Д. Лебедевга мурожаат қилдик:

— Йиллик статистика олиб борилмайди, 1989 йилда тахминан 600 та митинг бўлган, деб айтишимиз мумкин. Бу 1988 йилдагидан кам...

— Демак, сизлар анча тинч яшаяпсизларми?

— Фақат стат ҳисоботларигина тинчиб қолишди. Фуқаролар эса ўз ҳуқуқларидан яхши фойдаланишмоқда.

Бозордаги компьютер

Ўтган йили шахсий компьютер неча сўм туришини сўраган эдинглар. «Шахсий» дейилгани билан уни сотиб олишнинг ўзи бўлмайди. Ахир компьютерлар доим ишлаб чиқарилмоқда, ёки четдан келтирилмоқда, демак улар кундан-кун кўпаймоқда. Шундай экан бозор қонунига кўра уларнинг нархи арзонлашиши керак-ку.

А. ФАТТОХОВ.
Қарағанда.

Фирмали «Электроника» магазинида бизга мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган компьютерларнинг нархи ўзгармаганлигини айтишди. 1989 йилнинг 5 февралида хабар берганимиздек «Электроника-85»нинг нархи аввалгидек 19 минг сўм турар экан. «БК 0011» (маиший компьютер) эса 6 минг сўм. Давлат нарх-наво қўмитасидан тўла комплектлашмаган шахсий компьютер 4 минг сўм атрофида туришини айтишди.

Москвадаги комиссион магазинларидан бири директорининг айтишига қараганда, хорижий эл шахсий компьютерининг ўртача баҳоси ноябрь ойида 48 минг 128 сўм бўлган «Коммадор» 1 минг сўмдан 40 минг сўмгача, «Амстрад» — 1 минг сўмдан 60 минг сўмгача, «АТ»—30 минг сўмдан 73 минг сўмгача турган. Энг қиммат компьютер фирмасидан қатъи назар 386 жараёнли бўлиб, 100 минг сўмдан ортиқ туради. Ўтган йили совет бозорида бундай нарх ҳам, компьютернинг ўзи ҳам бўлмади.

Ҳушёрлик жамияти

Ичкиликбозликка қарши кураш ҳақидаги Қонун бироз бўшашгандек бўлди, шампань винолари эса «қувғин»дан чиқди. Ҳушёрлик жамияти эса энди удумда эмас. Улар ҳозир нима билан шуғулланишмоқда, ва асосийси қаердан маблағ олишади, аппаратда неча киши ишлайди!

А. БЕКЕТОВ,
Загорск.

Бу саволга жавоб олиш учун «Диалог»нинг мухбирлари Марказий ҳушёрлик жамияти ташкилоти кенгашига боришди. Жамият раисининг муовини Николай Степанович Черних билан бўлган икки соатлик суҳбатдан сўнг қуйидагилар маълум бўлди:

Жамият 1985 йилда ташкил қилинган бўлиб, қайта қуриш билан тенгдошлиги учун ҳам унинг ходимлари жуда фахрланиб юришади.

Марказий кенгашдан ташқари, бошланғич жамиятлар ҳам иш олиб боришади.

Жамият ҳисобида ҳозир 17 миллион сўм пул бор.

Ташвиқот ишларидан ташқари жамият алкоголларни Довженко, Шичко, Добровольскийларнинг энг янги усулларида даволаш билан шуғулланади. Жамиятга кирувчи мутахассис-врачлар лекциялар ўқишади, гипнотик сеанслар ўтказишади.

Жамиятда мамлакат бўйича уч мингдан ортиқ киши ишлайди. Марказий кенгаш аппаратида штат бўйича элликка яқин ходим бор. Ходимларнинг ойлик маоши 150 сўмдан 180 сўмгачани ташкил қилади. Раиснинг ойлик маоши — 280 сўм. Жамият олдингидек тўла хўжалик ҳисобида ишламоқда.

Миллионерми ёки гадоми?

Ўтган йили бутун шов-шувга сабаб бўлган Артем Тарасов қандай яшамоқда. У ўзининг уч миллионлик фойдасидан партия взносини тўлагани эсимда. Ҳозир унинг кооперативи миллиардлар билан иш кўраётган бўлса керак!

Г. КАРТУЗОВ.
Уфа.

— Миллионер ҳам, миллиардлер ҳам йўқ, — деган яқинда «Диалог»нинг меҳмони бўлган А. Тарасов, — «Техника» кооперативи синди. Унинг ҳисобида ҳозир ҳеч вақо йўқ. Ойлик тўлашга ҳеч нарса йўқ, одамлар кетиб қолишмоқда. СССР Молия министрлиги «ҳеч қандай судсиз ва терговсиз» биз қонунни бузганлигимизни, пулларни беҳудага сарфлаганимизни исбот қилишга уринмоқда.

Барибир кутилмаган воқеа содир бўлади: СССР Давлат арбитражи «Техника»ни Молия министрлигига қилган даъвосини кўриб чиқишга қарор қилган. Кооператив биринчи марта ўз ҳуқуқи учун курашмоқда, арбитраж эса кооперативларга жиддий қарамоқда.

Ким ютиб чиқаркин? «Техника»ми ёки Молия министрлигими? «Диалог» бундан сизларни хабардор қилади.

Хазинани қаердан қидириш керак?

Апрель ойида мамлакатимизда топилган хазиналар сонини босиб чиқарган эдингизлар. Шу пайтгача қанча бахтли киши қимматбаҳо хазина топган!

Д. МУРИНА.

СССР Молия министрлиги қошидаги Давлатнинг қимматбаҳо нарсаларини сақлаш бўлими мудири В. Иванов 1989 йилда умумий қиймати 807 минг 683 сўм бўлган 91 та хазина топилганини хабар қилган.

ИНДИНГА ЭСА, КИМ БИЛАДИ ДЕЙСИЗ...

ҲАММАСИДАН ҲАМ АЛЕКСАНДР НЕВЗОРОВ ЎЗИДАН ҚАҲРАМОН ЯСАШЛАРИНИ ИСТАМАЙДИ. У БУНИ БИЗ УЧУН АЖОЙИБ ТАРЗДА ҲАЛ ЭТГАН.

«600 секунд» программасининг рейтинги — 99,5 фоиз. Бу демакки, 0,5 фоиз телетомошабингина бу программани кўрмайди. «600 секунд»нинг энг яқин рақобатчиси 47 фоиз содиқ мухлисга эга. Бундай шуҳратга эришиш осон эмас...

Невзоровнинг кинокамерасини қундоқ билан уриб синдиришгач, унинг қийматини қопламоқ учун Москвада томошабинлар билан бир неча Янги йил учрашувларини ўтказишга мажбур бўлди. Шунда биз Невзоровнинг «думи»га осилиб олдик.

...«600 секунд» кўрсатуви икки йил муқаддам, ҳали ойнаижаҳондан мисли кўрилмаган даражада кўп сут соғиб олингани ҳақидаги рапорт ҳамда Ленинград вилоят партия қўмитаси биринчи котибининг сафари тўғрисида жўшиб гапирилаётган кезларда пайдо бўлган эди. Бу шу қадар зерикарли эдики, охири муҳаррир Александр Борисоглебскийга ўн минутлик ахборотдан иборат қизиқарлироқ кўрсатув тайёрлашни топширишди. Бу вақтда телевидениеда сценарист бўлиб ишлайдиган Невзоров дўстининг топшириғига биноан сценарий ёзди. Сюжетларни шарҳлаш учун артист таклиф этилди. Бироқ иш эфиргача етиб бормади. Дебютдан боши гангиган артист студияга яхшигина отиб келди ва шу заҳотиёқ камера рўпарасида ўтирган қўйи пинакка кетди. Уни полга олиб ётқизиб қўйишди, креслога эса Невзоровни ўтқазишди — Ленинград телевидениесида ишлайдиган «казо-казо»лардан бирортаси бу қалтис ишга бош қўшишни истамади.

Вазият назоратдан чиқди. Киностудияда каскадёр бўлиб ишлагани ёдига тушди. Баъзи пайтларда учиб бораётган отнинг оёқларига «тушов» ташлаб, ўша тезликда ўмбалоқ ошишга ҳам тўғри келарди. Ерга қандай тушасан — олдиндан айтиш қийин эди.

Дастлабки уч ҳафтада у эфирга якка ўзи чиқди: эфирда бир йўла ҳам қўмондон, ҳам ташкилотчи, ҳам диктор бўлиш битта журналистга ғоят оғир эди. Шундай қилиб, улар учовлон бўлишди.

Ўн минут мобайнида эфирга 9 та сюжет ва 25 та оғзаки ахборот берилади.

— Назаримда «600 секунд» атайлаб энг шафқатсиз воқеаларни кўрсатадигандек туюлади!

— Энг диққатга моликларини, деяверинг.

— Қўрқмайсизми!

— Энди қўрқиш беҳуда. Таланган, исқирт, ор-номусини йўқотган мамлакатда 170 сўм маош учун, мана виолончелдан куй таратиб созандалар ўтиришибди. Улар ёмон чолғу асбоблари билан ҳеч кимга керак бўлмаган Гайдна куйларини чалишади, ваҳоланки, замонавий ҳаёсиз маданият аллақачон ундан ўзиб кетди.

— Бундан чиқди, чалмаслик керак экан-да!

— Ўз иш жойида ўлган афзал.

— Қайси сюжет сиз учун ҳаммасидан ҳам азиз!

— Биз тақсимловчи-қабулхонада бўлиб, ўзининг аллақандай мажозийлиги ва мурувватлилиги билан кишини лол қолдирувчи сюжетни суратга олдик. Дунёда мавжуд бўлган барча маҳрумлик билан бирга буюк умидворлик ҳам бор эди, унда 72 ёшга кирган, ҳеч қачон бирор жойга прописка қилинмаган, ҳаётининг 63 йилини қамоқда ўтказган кишини илк бор озодликка чиқаришди. Қамоқдан чиқишдан олдин у алифбе сўраб олди ва эндиликда бармоғини ҳарфдан ҳарфга ўтказиб, лаблари пичирлаб ўқияпти: «Қа-миш-зор-да лай-лай ту-риб-ди». Эҳтимол, қўлга алифбе олиб, эркинлик ва истиқболга ишонган ҳолда бутун дунё тан олган рисоладаги инсоний тушунчаларнинг мағзини чақишга уриниб кўришимиз учун бизга ҳам кеч эмасдир?

— Сиз эса, менимча, шундоқ ҳам уриниб кўраяпсиз...

— Ярим йил ҳожатхонада тунаб юрган дайдига биздан қўрқиб... ноҳия ижроқўми фондидан квартира ажратишди... Кўз ўнгида уйини бузиб, ўзини эса унутиб юборишган кампирга ҳам. Яна кўп одамларга ёрдам қилишди.

— Бундан чиқадики, сиздан ҳайиқишади!

— Бир вақтлар хонамдаги деворлардан бирида Лениннинг портрети, бирисида чакак ва суяк акс эттирилган қароқчиларнинг қора байроғи осиғлиқ турарди. Бизни гўшт комбинатига қўймай, ўқ отишганида, «рафик» устида ушбу қароқчилар байроғи кўтарилди, ва... дарвоза ланг очилди.

— Сизлар-чи!

— Машина тезлигини оширдик ва ўзимизни ичкарига урдик. Эшикбонлар ким эканлигимизни билмай ҳам қолишди. Қоровуллар кириб бораётган машинага ҳеч қачон эътироз қилмайдилар. Негаки кириб келаётган одамлар улар ўзлари ўғирлашлари мумкин бўлган нарсалардан бирор нимани ўмарадиганлар эмасликларини яхши биладилар.

Гўшт комбинати — бу, қандайдир маънода, биз ўрганиб қолган иқтисодиёт рамзи. Гўшт комбинатидаги биринчи сюжетимиз исқирти чиқиб ётган сўйилган товуқлар бўлди. Америкалик тележурналистлар ҳам бу ерга биз билан бирга келгандилар. Гўшт комбинати олдида тезликни оширганимизни кўриб, шундай қилиш керак экан-да деб ўйлаб, улар ҳам кетма-кет киришганди. Тоғ бўлиб уюлиб ётган ўликлар орасида америкалик телерепортёр ўзини йўқотиб қўяёзди. Ҳанг-манг бўлиб турганини кўрган иқтисод бўйича унинг маслаҳатчиси ёнига бориб, буни социалистик иш юритиш, деб тушунтирди.

— Прокуратура сизларни гўшт комбинатида ўлдиришга ҳозирланишаётгани ҳақида огоҳлантиргани ростми! Бироқ, шунга қарамай, сизлар қўққисдан бостириб киришга юрак ютдинглар. У ерда тартиб ўрнатишингизга, ишонасизми!

— Мамлакатда тартиб ўрнатилгандагина, гўшт комбинатида тартиб ўрнатиш мумкин. Аммо сукут сақлашга бизнинг ҳаққимиз йўқ.

Пўписаларни ҳамма ёқдан эшитаман. Сўнгги тўрт ой ичида жами ўн икки марта суд жараёнини бошдан кечирдим. Бу мени йигирма тўрт марта судга чақиришган ойларга нисбатан сал камроқ. Ленинград крематорияси хизматчилари ҳам мени судга беришган. Мен улар тобутлардан гуллар ва оёқ кийимларини ўғирлашади, деб эдим. Улар қаттиқ хафа бўлишди. Чунки уларнинг айримлари фақат гул ўғирлашса, бошқалари фақат оёқ кийимлари ўғирлашар экан.

— Энг эсда қоладиган суд жараёни қайси!

— Бир маст гражданин ўз овчаркасини зўрламоқчи бўлганида ит уни қопиб олибди. Бу хабарни «Тез ёрдам» врачи рация орқали менга етказган эди. Воқеа жуда ғалати эди ва мен, албатта жабрланувчининг фамилиясини сир тутиб, лекин у жўнатилган касалхонани таъкидлаган ҳолда, уни дарҳол эфирга бериб юбордим. Касалхонада ҳам «600 секунд» кўрсатувини томоша қилишларини мутлақо унутиб қўйибман, қизиқ устида. Кўрсатув эфирга чиққан пайтда беморни касалхонанинг қабулхонасига олиб келишган. Ўриндан туролмайдиган касаллар ҳам қўлтиқтаёқларини улоқтириб, оломон бўлиб бу табиат мўъжизасини кўргани келаверишган. Бемор кўзларини чирт юмиб, одеялни тишлаганча аблаҳ Невзоровни бўралаб сўкаверган. У касалхонадан чиққач, табиийки, мени иккинчи иш жойимга айланиб қолган судга берди. Суд биносига кириб, мен қуйидаги манзаранинг гувоҳи бўлдим. Соқчилар бир-бирларига суянган қўйи ичаклари узилиб кулмоқда эдилар. Суд залининг ўртасида қўлида даъво аризасини тутган жабрланувчи турарди: «Ленинград телевидениеси шарҳловчиси Невзоров томонидан менинг жинсий аъзоимдан маҳрум бўлганим факти ошкор этилганлиги оқибатида, — дейиларди унда. — Ленинград шаҳри ва вилоятида менинг жинсий фаолиятим учун қаттиқ қийинчилик туғилди. Ор-номусим ва қадриятимнинг тикланишини сўрайман». Судья ундан сўради: «Невзоров берган хабарнинг нотўғрилиги юзасидан сизда далиллар борми?» У жавоб қилди: «Йўқ. Бироқ ор-номусим ва қадриятимнинг тикланишини талаб қиламан». Унинг даъво аризаси нусхасини Си-би-эс ва Эн-би-си мухбирлари бир неча марта «Гиннеснинг рекордлар китоби»га сотишни таклиф қилишди ва ҳамон таклиф қилишаётир. Чунки бундай воқеа у ерда ҳам йўқ..

— Номақбул хабарларни тарқатганингиз учун сизни кўрсатувдан четлаштиришлари мумкинми!

— Билмадим. Гарчанд Ленинград шаҳар ижроқўмидагиларнинг икки йил мобайнида менинг шахсимга меҳрлари ошиб кетмаган бўлса ҳам милиция генераллари хабарларга жавоб қайтараётиб, бутун шаҳарга тўғри гап айтилаётгани учун Ленинград вилоят партия қўмитасидан дакки эшитадилар. Ва улар маълумот беришни ман этадилар ёки уни палағда ҳолатида берадилар. Аммо биз уни олишнинг кўпгина усулларини биламиз. Масалан, кўкариб кетган чўчқа гўштларида ғимирсиб юрган қуртлар гўшт комбинатидаги ҳолат учун яхшигина ҳужжат эди. Бу маълумотни қўлга киритаётганимизда бизга ўқ отишди.

— Яна!

— Гоҳо дангалига қўрқитиш йўли билан маълумот олишга ҳам тўғри келади. Ленинградга ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ҳузуридаги маданият марказининг шаҳвоний театри ташриф этганди. Мен уни суратга олишга бордим. Оператор титрай бошлаган қўллари билан телекамерани қизларга тўғрилагунча — бундай вазиятларда ишлаш осон эмас — мен кассага кириб, коллектив бўлиб келиш учун берилган буюртмаларни кўрсатишни илтимос қиламан. Мана биттаси: «Ноҳия ички ишлар бўлими ходимлари барча шаҳвоний спектаклларни мумкин қадар биринчи ёки иккинчи қаторда ўтириб кўришларига кўмаклашишингизни сўрайман». Тагида сиёсий-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарнинг имзоси. Қоғозгинани дарҳол суратга тушираман. Нақд эртасигаёқ мазкур ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ҳузурида ўтирибман-да. Биламанки, у мендаги маълумотни олмай қўймайди. Лекин мен бу ерга «мана менда қандай далиллар бор» деб ҳужжат пешлайдиган қандайдир ярамас маҳлуқ сифатида келмадим. Йўқ! Мен унинг ҳузурига оқил, яхши инсон сифатида, уни ўзимга яқин олиб, бу хабарни эфирга қандай: музика биланми ёки мутлақо сукунат остида бериш кераклигини маслаҳатлашгани келдим. Унинг юзи ўзгара бошлади, эгилмай қолган бармоғи билан селектор тугмачаларини босиб чиқди. Ер остидан чиққандек, рўпарада турли даражадаги тартиб посбонлари пайдо бўлдилар. Бошлиқ уларга қараб, Александр Глебовичга кўпроқ маълумотлар бериш кераклигини қатъий буюрди, акс ҳолда Александр Глебович милициядан ранжиши мумкинлигини эслатди. Мен унга фотонусхасини бердим. Бошқасини эса, муносабатларимиз бузилган ҳолларда фойдаланишни кўзда тутиб, иш столимдаги ойна тагига тиқиб қўйдим.

— Бизда мафия борлигига ишонасизми!

— Мафия борлигига унчалик ишонмайман, мен кўпроқ уюшган жиноятчилик борлигига ишонаман. Аммо уюшган дейиш ҳам ғалати. Бизда, афсуски, ҳамма нарса ёмон ташкил қилинган.

— Фош қилувчи маълумотни олиш қанчалар қийин ва хатарли эканлигини фақат хаёл қилиш мумкин!

— Менинг мен учун ишлайдиган ўз командам бор. Светлана Иннакентьеванинг ҳам ўз командаси, маълумотларни олишда ўз услуби, ўз сири бордир. Ўртамизда қаттиқ рақобат мавжуд. Ҳар кимнинг ўз айғоқчилик тармоғи, ахборот келтирувчиси бор — бу кишиларга берган маълумотларига қараб пул тўлаб турамиз. Уларнинг шахси қатъиян махфий сақланади. Бир пайтлар биз учун ишлашга қарор қилган кишини ўлдириб кетишгани ҳақида хабар бергандик: у биз жанг олиб бораётган ташкилотдан эди. Бу ҳазилакам ўйин эмас.

— Чекиниш мумкин бўлмаган қонунларингиз борми сизнинг!

— Маълумот олиш учун ҳеч нарсадан қайтмаслигим тўғрисида афсона юрганини ҳам биламан. Начора, қизил — мовий қаҳрамон образидан кўра қароқчи-репортёр образи менга кўпроқ мос келади. Ҳозир сиз ошкоралик деб атаётганингиз ўша вилоят. Ўша ер забт этилади. Ер биз учун мутлақо номаълум. Уни разведка қилиш учун, қўлга киритиш учун биринчи бўлиб қалтис феълли одамлар киришадилар; қадама енгларини оппоққина сақлаш уларга жуда оғир. Шунингдек, мен ҳам, табиийки, камолотдан йироқдирман.

— Демак, репортёрлик ва зиёлилик тескари тушунчалардир!

— Шундай. Ажойиб мақол бор: «Осилган одамнинг уйида арқон тўғрисида сўзлашмайдилар». Репортёрлик касбини танлаган киши эса, айнан осилган одамнинг уйида арқондан сўз очиши лозим. Қандай зиёлилик ҳақида гап бўлиши мумкин, бу ўринда? Рерпортёрлик — даҳшатли даражада қўпол, аскарий касбдир. Минглаб эшик тутқичларини ушлашга тўғри келганидан студияга кириб келганимда, қўлларимнинг яғирига қараб бўлмайди.

— Совет журналистларидан ҳар ҳолда кимлар ёқади!

— Урмас. У ўзича ғаройиб кўрсатувни ўйлаб толган. Молчанов ҳам чакки эмас, лекин ҳаддан ташқари юмшоқ.

— Телевидениеда сизга тазйиқ қилишмайдими!

— Бизнинг замонамизда эркинлик нимани англатади? У юқоридан туширилган ва туҳфа этилган нарса эмас, у ҳамиша қўлга киритилган, тортиб олинган нарсадир. Эркинликни ҳеч ким туҳфа этолмайди. Эркинлик фақат курашиб-тишлашиб қўлга киритилади. Агар одам қатъий, кучли бўлса, ҳеч нарсадан тап тортмасагина эркинликни қўлга киритади.

— Сиз учун энг муқаддас нарса нима!

— Россия. Унинг улуғворлиги.

— Ман этилган мавзулар-чи! Нима учун сиз, айтайлик, КПСС вилоят қўмитасига тегмайсиз!

— Қуруқ гапга тоқат қилолмайман. Менга фактлар керак. Фактларни қўлга киритганим ҳамон, мени ҳеч ким ушлаб туролмайди...

— Программангиз ёрдамида ҳаёт ўзгаришига умид қиласизми!

— Умид қилиш аҳмоқлик бўлур эди. Биз ижтимоий санитария билан шуғулланмаймиз. Яқин-яқингача энг ахлоқли инсон, энг илғор иқтисодиёт ва умуман барча-барча яхши нарсалар бизда, деб ишонтирмоқчи бўлишарди. Биз эса бор ҳақиқатни кўрсатяпмиз. Биз кун сайин, баҳя сайин одамларни «ортиқ бундай яшаб бўлмайди» деган фикрга ўргатяпмиз.

— Устозларингиз кимлар эди!

— «Чапаев» фильми. Биринчи марта уни етти ёшимда томоша қилганимда ҳамда каппелчиларнинг руҳий ҳужумини кўрганимда руҳиятимда туб ўзгариш юз берганди. Мен уларни ёқтириб қолдим, шу-шу каппелчиларнинг руҳий ҳужумини кўриш учун атайлаб кинотеатрга бордим. Совет телевидениесида мен биринчи бўлиб оқ гвардиячиларни ҳимоя қилувчи сюжет яратдим. Умуман олганда, бу болалар ўйини — оқми-қизил ўйнашни аллақачонлар бас қилиш керак Россия учун барча бир хилда ўлган эди.

— Сизнинг назарингизда замонавий миллий сиёсат қандай бўлиши керак!

— Миллий сиёсат Россия жуда танг аҳволда қолган кезларда туғилган сиёсат тажрибасини, Петр сиёсатини, ажойиб сиёсатни тўлалигича ўзлаштириб олиши керак; агар бир қанча блок вакилларининг зўрма-зўраки безориларча хатти-ҳаракати бўлмаганда эди...

— Россияни хонавайрон қилган Петр эмасмиди! Айнан Петрдан сўнг рус турмушида бўлиниш бошланмадими!

— Бузмасликнинг иложи ҳам йўқ эди...

— Ўзингизники бўлса, чиптаковуш ҳам яхши, деган гап бор. Петр эса, уни хориждан келтирди.

— Петр чиптаковушни чет элдан келтирди, албатта, аммо у, шуниси ажабланарлики, қуйиб қўйгандек оёққа лойиқ келди. Эндиликда у чиптаковуш кимники: бизникими, уларникими — аниқлаш қийин.

— Сизни болалигида безори бўлган, дейишади!

— Безори бўлганим рост. Мактабда ўқиётганимда, синфда ҳам қолганман.

— Кимлар билан учрашмасликни афзал кўрасиз!

— Истаган тоифадаги одамларга дош бераман.

— Қандай мусиқани севасиз!

— Черков қўшиқлари-ю вестерн мусиқасини.

— Хойнаҳой, энг ёқтирган фильмингиз «Ғаройиб етовлон» бўлса керак!

— Ҳа. Мен отишмаларга бой фильмларни ёқтираман. Зақий киноларга ҳушим йўқ.

— Сиз Москвада тез-тез бўлиб турасизми!

— Тез-тез. Илья Сергеевич Глазуновникида, СССР маданият министри Губенконикида меҳмон бўламан. Қачонлардир мен унинг учун тўртинчи қаватдан йиқилган эдим.

— Каскадер сифатида-а!

— Ҳа.

— Аждодларингиз кимлар эди!

— Менда йигирма фоиз татар қони бор. Лекин бу қондошликнинг мўғул-татар босқинига алоқаси йўқ. Волга ортидан — бурлаклар билан қондошман. Онам — журналист. Отамни эса, ҳатто кўрмаганман.

— Эркин қушман, денг...

— Угу.

— Сиз ҳар бир кўрсатувни сўнггиси деб тайёрлагандек туюласиз.

— Мен ҳақиқатан ҳам тез-тез таваккал қиламан.

— Сиз ҳеч тап тортмасдан Россия ҳалок бўлди, деб кўп айтасиз. Шундай иродадан сўнг раҳбарият билан сан-манга бориб юрмайсизми!

— Бўлиб туради. Аммо мен улар билан бўладиган суҳбатдан ўзимни четга оламан.

— Бордию, гиламга таклиф этишса-чи!

— Мен уларга «менинг олдимга келинглар», деб айтаман.

— Улар келишадими!

— Йўқ.

— Сиз Россияни халос қилиш мумкинлигига ишонасизми! Наҳотки, 17-йилда унинг барча илдизлари қирқиб ташланмаган бўлса!

— Шундай лаҳзалар борки, у келажакда даҳшатли ўзгаришлар тарзида намоён бўлади... Ва сиёсий бангилик йўлига кирган халқ бор. Сиёсий воқеаларнинг биринчи сарҳуш қилувчи дозаси қайта қуриш энди бошланган кезларда қабул қилинган эди. Сўнг доза миқдори ортиб борди. Энди усиз яшолмайдиган бўлиб қолинди: ҳар сафар кўпроқ доза талаб этилади. Халқ депутатларининг биринчи Съезди ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган кайф берди. Худди шундай, ўша состав билан ўтказилган иккинчи Съезд эса у қадар қизиқиш уйғотмади. Доза кам эдида. Кайфни оширмади, сўнгра маҳаллий сайловлар муносабати билан допинг-бангилик вазияти юзага келди, кейин яна кўпроқ доза талаб этиладн, яна-яна... Буни энди назорат қилиб бўлмайди. Даҳшатли ўзгаришлар юз бериши мумкин. Аммо мен мамлакат жисман ҳалок бўлишига ишонмайман.

— «Память» ташкилотига муносабатингиз қандай!

— У энди олдинги «Память» бўлмай қолди. Эски рус рамзини тиклашни ўз мақсади деб билган «Отечество» ва «Русский флаг» ташкилотлари ҳам мавжуд. «Русский флаг»га менинг муносабатим яхши, «Отечество»га эса ҳеч қандай алоқам йўқ. Менимча, репортёрнинг ғоявий фаразларга камроқ боғлиқ бўлгани маъқул — шундагина у холислигини сақлай олади, бу демакки, касбига муносиблигини ҳам...

— Ўз истиқболингизни қандай тасаввур этасиз!

— Бу ҳақда ўйламасликка ҳаракат қиламан. Менинг тақдиримда қандай бемаъни ва ўзига хос бурилишлар борлигини билмайман. Бордию қандайдир йўл билан «600 секунд» программасини йўқ қиладиган бўлишса, менга дунёнинг ўнлаб турли компаниялари ҳозирдаёқ Совет Иттифоқи бўйича махсус мухбир бўлиб ишлашни таклиф қилишаётганини айтишим мумкин. Ахир кураш «600 секунд»дан бошқачароқ кўринишда давом этиши мумкин-ку.

Г. РЕЗАНОВ,
Т. ХОРОШИЛОВА.



Баҳорни қўмсаб...

Суратказ: Е. БОТИРОВ.

ҲАЁТНИ ЧЕТЛАБ

У 42 йил ўрмонда яшади. Уйи — капа. Макони — нашапоя.

Қишлоқдагилар Иван Бушилони қувноқ, мулойим йигитча сифатида билишарди. Уч-тўрт ой олдин Бостинга 67 ёшли қария қайтди. У колхоз идорасидаги раиснинг стулида ўтирибди. Бақувват, шамол теккан юзлари ўйчан, Қарашларида эса бироз чарчоқлик сезилади. Саволларга жон деб жавоб бераяпти.

Биринчи Белоруссия фронти 312 дивизиясининг пулемётчиси хавфли 47 — йили қайтди. Фақат Иван учун хавфли эмас: Польшанинг сокин Бостинида «Халқ душманлари»га қарши қаттиқ курашишарди.

Эҳ, ўша кечада Бушило бошқа тарафдан борсами, нима бўлса ҳам майли, фақат ўша икки милиционер — катта лейтенант Хохлов ва ҳозир фамилияси эсидан чиқди шу ерлик участка бошлиғини учратмаса бўлгани.

— Қайси фронтда бўлгансиз, жангчи?

— 1 — Белоруссия фронтида.

— Ҳалиги Жуков исмли бандитдами?

Афсонавий маршални яхши билганларга у ҳақда фикр айтишга рухсат этиларди. Худди шу ерда кечаги жангчи 25 яшарлик Иван Бушило чидаб туролмади.

— Ўзингиз бандитсизлар, халқни яшашга қўймаяпсизлар. Сизлардан қутиламанми, ё йўқми?

Ҳокимият билан тўқнашув шу зайл пайдо бўлди. Ўша вақт қонунига кўра 58-модда жазосига лозим бўлган кишини Хохлов ваъда билан чиқариб юборди. Шундан кейин улар учрашишмади. Эртасига кечқурун катта лейтенант Бушилонинг уйига борганда Иван ўрмонда эди.

Жуда узоқ эмас, 7 километр масофа нарига жойлашди. Ўзига доимий бошпана қурмади. Яшаш жойини доим ўзгартириб юрди. Энг сўнгги — ботқоқ пастқамлик билан ўралган яшаш жойида Иван Васильевич бутун бир «музей» қолдирди: қора клёнка билан беркитилган капа, арра, болта, қорайиб кетган идиш-товоқлар, «Аргументи и факти»нинг эски сони. Ҳавас қилишга арзигулик ҳеч вақо йўқ. Фақат совуқ ва очликнинг азоби, доимий қўрқув ва зерикиш. Бу ердагиларни кўрио ва эшитио, яшашга ўргатилган бойқуш ҳаётига ўхшарди ҳаёти. Кундузлари ухлао оларди. Капасини қор босганда зўрбазўр чиқарди.

Олам билан алоқани қариндошлари орқали амалга оширарди. Вақти-вақти билан овқат, у-бу нарсаларни олиб келишарди. Шу зайл бўлаётган воқеаларни билиб олар, отасининг, кейинчалик онасининг ўлимидан ҳам шундай воқиф бўлганди. Қайта-қайта ўқиладиган газеталардан катта сиёсатни билиб оларди. Табиат бахш этган ақли билан муаммолар ҳақида ўйларди.

— Хрушчевни ёқтирардим, Брежнев билан чиқишолмадим.

85 — йилдан кейин баъзи нарсалар ўзгараётганини газеталардан тушундим: «Мен Горбачевга ишондим...» Шунинг учун ниҳоят одамлар орасида яшашга аҳд қилдим.

Ҳозир Иван Васильевич жиянининикида яшамоқда. Ўзи учун янгича бўлган ҳаётга зўрға кўникяпти. Хашак ўриш керак, ўтин келтириш лозим — ҳовлида уймалашгани-уймалашган. Мурвати буралган телевизорни кўриб, қўрқиб хонадан чиқиб кетди. Ким у, Польша Робинзони Иван Васильевич Бушило? Тентакми? Қаҳрамонми? Омадсизми? Ҳаётининг баҳосини фақат унинг ўзи бера олади.

И. АЛЕКСАНДРОВ,
В. САРИЧЕВ,
Брест вилояти.

АЙТГАНЧА:

Ўз болахонасида кам деганда 45 йил ўтирган яна бир «қочоқ» М. И. Датченко ҳам яширинган жойидан чиқди. Улуғ Ватан уруши даврида у Брест остоналарида қуршовга тушиб қолди. Граждан кийимини кийиб Черкасск вилоятининг Медведевка қишлоғидаги уйига қайтди. Ҳозир М. И. Датченко фермада қоровул бўлиб ишламоқда.



Оҳ, қандай мароқли мусиқа

Сурат муаллифи А. МОРКОВКИНА

АЛОҚА НОЗИРЛИГИ ИШИНИ ҲАМ ҚИЛИШ КЕРАКМИ?

Биз Латвиянинг «Советская молодежь» газетаси журналистлари кам маош ва қалам ҳақи олсак-да, бунга ишонардик. Бироқ бизнинг нашримиз нусхаси икки карра ортганидан қатъи назар ҳаммаси илгаридек қолмоқда.

Нусхаларнинг ошиши жумҳурият Алоқа нозирлигининг алоҳида қувончига сабаб бўлмади. Нимасига ҳам шодланишсин: иш фақат кўпайди, холос. Ахир муштарийларнинг ярим миллиондан зиёди жумҳурият сарҳадидан ташқарида яшайди. Нозирлик ходимлари ва экспедициянинг маоши илгаригидай миқдорда қолди. Ёшлар газетасининг келтирган фойдаси эса ҳамон партия кассасига оқиб кетяпти.

Вазиятдан чиқиш йўли мавжуд; газетани мамлакатнинг бир неча регионига фототелеграф орқали узатиш керак. Аммо, наҳотки, алоқачиларнинг хизмат вазифасига кирадиган бу масала билан ҳам журналистлар шуғулланиши керак бўлса? Балки бу вақтни чўзиб, кейин муштарийлар техникавий имкониятлар мавжуд бўлмаганлиги сабабли газета келтиришни ташкил этиб бўлмаслик ҳақида хабар қилишнинг бир йўлидир? «Ярим миллион обуначилар тугатилсин»ми? Унда истеъфога чиқишдан бошқа илож қолмайди...

Н. СЕВИДОВА,
«Совесткая молодежь»нинг бўлим мудири.

«Падомью яунате» газетаси (латиш тилидаги «Совет ёшлари» газетаси) «Латвия ёшлари» деб атала бошланди. У ўз мақомини Латвия комсомол газетаси деб белгилаб, орденини ва редакциянинг Қизил байроғини Рига яширин матбуоти музейига топширди.

К. МАРКАРЯН.

ТАЙЁРЛАГАНЛАР

Газетанинг бу сони «Ёш ленинчи» ва «Комсомольская правда» материаллари асосида тайёрланган. Тайёрлаганлар «Комсомольская правда» газетасининг Ўзбекистон бўйича ўз мухбири М. АЛИМОВ,

«Ёш ленинчи» газетасининг ходимлари Ф. РАҲИМОВ, Т. НАЗАРОВ, К. РАҲИМОВ, М. АБДУСАМАТОВА, З. РИХСИЕВ, И. УСМОНОВ, Р. ҲАСАНОВ, А. КАРИМОВ, А. СУЛТОНОВлар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

Индекс: 64607.

Д. — 23122.

Р. — 03073.